

Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

Mustaqillik huquq demakdir

Нидош



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2016-yil 11-avgust, №32 (1021)

Парламентда

Жараён

Маданий мерос объектлари муҳофазасига оид парламент эшитуви

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракциясининг ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазири Б.Аҳмедовнинг "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг ижроси ҳақида"ги ахборотига оид парламент эшитуви бўлиб ўтди.

Тадбир "Парламент назорати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда белгиланган ваколатлар доирасида ташкил этилди.

Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш борасида изчил ишлар олиб борилди, ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб олинди ва амалга оширилмоқда. Бунда маданий мерос объектларини муҳофаза қилишга, уларни қайта таъмирлаш-тиклаш ишларига, маданий мерос объектларини имкон қадар асл кўринишида сақлаб қолишни таъминлашга, уларни умуминсоний қадриятлар билан уйғунлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ маданий мерос объектларини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари мунтазам такомиллаштирилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, тегишли

қонунлар ва қонуности ҳужжатлари бу борадаги ишларда муҳим дастуриламал бўлаётир. Хусусан, "Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисида"ги, "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Архив иши тўғрисида"ги, "Музейлар тўғрисида"ги Қонунларда бу борадаги ишларни ташкил этишнинг ҳуқуқий механизмлари аниқ белгилаб берилган.

Умумжаҳон маданий ва табиий меросини муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенция (Париж, 1972 йил 16 ноябрь), Номодий маданий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги халқаро конвенция (Париж, 2003 йил 17 октябрь), Маданий бойликларнинг ноқонуний олиб кирилиши, олиб чиқилиши ҳамда уларга бўлган мулк ҳуқуқини бошқага ўтказишни тақиқлаш ва унинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисидаги конвенция (Париж, 1970 йил 14

ноябрь) ратификация қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббусига биноан ЮНЕСКО шафелигида Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги, Қарши ва Шахрисабз шаҳарларининг 2700 йиллиги, Хива, Бухоро ва Термиз шаҳарларининг 2500 йиллиги, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги, Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонланди.

Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шахрисабз шаҳарлари муҳофаза этилаётган тарихий ёдгорликлар сифатида, Наврўз халқ байрами, Катта ашула, Шашмақом, Аския номодий маданий мерос объектлари сифатида ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси объектлари рўйхатига киритилган.

Маданият ва спорт ишлари вазириликнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги қарори билан тасдиқланган Номодий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, сақлаш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича 2010-2020 йилларга мўлжалланган давлат дастурини амалга оширишда масъул ташкилот сифатида иштирок этмоқда.

/Давоми 4-бетда/

Мустақилликнинг 25 йиллигига

Навоий шаҳрида «Янги ҳаёт» савдо мажмуаси иш бошлади



Бу ерда яратилган 100 дан орტიқ янги иш ўрнида асосан касб-хўнара коллежини битирган ёшлар меҳнат қилмоқда.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган алоҳида эътибор янги иш ўринлари яратиш, аҳоли фаровонлигини янада оширишда юксак самаралар бермоқда.

Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъ-

минлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлаётир.

Тадбиркор Абдукарим Сақонов аҳолига қулайлик яратиш, намунали савдо хизмати кўрсатиш мақсадида тижорат банкидан олинган қарийб 10 миллиард сўмлик кредит ва шахсий маблағи эвазига замонавий савдо мажмуаси барпо этди.

Беш қаватдан иборат иншоотда озиқ-овқат, меҳел ва майиш техникалар, кийим-кечак бўлимлари, кўнгилочар уйинлар ва кино-театр заллари ўрин олган. Озиқ-овқат бўлимида нон ва қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган махсус цехлар ташкил этилган.

— Истеъмолчилар талабидан келиб чиқиб, цехда 30 турдаги нон маҳсулотлари тайёрлаш йўлга қўйилган, — дейди нон цехи бошлиғи Баҳром Мардонов. — 4 нафар новвой меҳнат қилаётган цехимиз замонавий жиҳозланган. Қандолатчилик цехида 40 турдаги ширинликлар ишлаб чиқариш имконияти мавжуд.

ЎЗА

Истиқлолнинг ўтган 25 йили давомида амалга оширилган ишлар, инсон манфаатлари йўлидаги сайёҳ-ҳаракатлар мазмун-моҳиятида тарихан қисқа бу даврнинг асрларга тенг аҳамиятини ҳис этиш қийин эмас. Юрт обод, халқнинг турмуши фаровон.

Қонун — тараққиёт кафолати

Муроджон АЗИМОВ,
Бухоро вилоят прокурори

Аҳолининг ҳуқуқий онги ўз ҳақ-ҳуқуқи, қонунлар талабини англаш даражасида юксалди. Эътироф этилаётган фикрлар ифодаси сифатида айтиш жоизки, бугун давлатимиз раҳбари Исом Каримов томонидан илгари сурилган "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойили асосида жамият ва давлат ҳаётининг барча жабҳаларида ривожланиш кузатилаётган. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти структураси шаклланимоқда. Шунингдек, суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш босқичма-босқич амалга оширилмоқда, бу тадбирчилик замирида инсоннинг олий қадрият даражасидаги эътирофи мужассам.

Ушбу жараёнларда прокуратура органлари зиммасига қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза этиш, улар онгига қонунларга ҳурмат, унга бўйсунуш тушунчаларини синдириш, жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдек муҳим вазифалар юклатилган.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида қонунлар ижроси устидан прокурор назоратини ташкил этишда асосий эътибор аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, иш ҳақи тўловларини ўз вақтида тўлиқ амалга ошириш, аҳолининг бандлигини таъминлаш ва соғлигини сақлаш, тадбиркорлик субъектларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг эркинлиги кафолатларини таъминлашга қаратилиб, фаолиятини тизимли таҳлил қилиш, тадбирларни ушбу таҳлил натижалари асосида режалаштириш, белгиланган режаларни тўлиқ бажариш ҳамда уларнинг ижроси устидан тўлақонли назорат ўрнатиш чоралари қўрилди.

Албатта, фактлар фикримизга ойдинлик киритади. Қонунларнинг ижро этилиши устидан прокурор назоратини амалга ошириш борасида қайд этилган даврда 778 та текширишлар натижасига кўра 4000 га яқин прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. Прокурор текширишлари ва жиноят ишлари тергов давомида жами 11,5 млрд. сўмлик зарарлар ундирилди, назорат тадбирларида 1793 нафар шахсининг, шу жумладан, 117 нафар юридик шахсининг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг кучли ҳуқуқий механизми яратилганки, бунда инсон олий қадрият даражасига қўтарилган. Халқ саломатлиги, фаровон турмуш кечирishi, фарзандлари таълим-тарбиясидан тортиб, касб-хўнара эгаллашга, барча-барчаси белгиланган тартибда қонунлар билан кафолатлаб қўйилган.

Иш ҳақи ва бошқа биринчи даражали тўловларни тўлаб боришни таъминлаш мақсадида тижорат банклари томонидан банкдаги ҳисоб varaқлардан нақд пул маблағларининг ўз вақтида бериб борилиши устидан қатъий назорат ўрнатилди. Утказилган назорат тадбирларида 50 дан орტიқ прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди, судларга 814 млн. сўмлик етказилган зарарларни ундириш асосида 7 та давёо аризалари киритилди. Текширишлар жараёнида мазкур соҳада аниқланган жиддий қонун бузилиши ҳолатлари бўйича 11 та жиноят иши қўзғатилди. Мисол учун, Бухоро автомобиль ва йўллар касб-хўнара коллежи мансабдор шахслари ўтилган дарс соатлари учун иш ҳақи ва устамаларни ортиқча ҳисоблаб тўлов қайдномаларидаги ўқитувчиларнинг имзоларини сохталаштириш йўли билан жами 89,2 млн. сўмлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни талон-торож қилиб юборишган.

Давлатимиз Президентини томонидан жорий йилнинг "Соғлом она ва бола йили" деб эълон қилиниши замирида, аввало, миллат генофонди, қолаверса, инсон ҳаёти бардавомлигини таъминлашга қодир буюк зот — оналар саломатлиги масаласи мужассам.

/Давоми 3-бетда/

Чет эл фуқаролари ўз юртидан бошқа бир давлатга ташири буюрми, ўша ернинг қонунари бўйича фаолият юритишлари талаб этилади. Мамлакатимизга четдан сармоя киритаётган хорижий фуқароларнинг баъзилари қонунариимизни бузиб, нафс сиртмоғига айлантирилганликлари ачинарли ҳолат.

Хориждан республикамизга тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиш истагида келган Мортеза Беманали ана шундайлар тоифасидан экан.

У 2014 йилнинг январь ойида Тошкентга келади. М.Беманали бу ердаги шарт-шароитларни ўрганиб, таниш-билиш

Сохтакорлик фош этилди

орттиради. Сўнг пойтахтимизнинг Бектемир туманидан ижарага ўли бошлайди. Орадан кўп ўтмай, бу шахс "Экбор" номли хусусий корхона ташкил этади ва қалбаки ҳужжатлар асосида банкдан ҳисоб рақам ҳам очади. Корхонага эса шу ерда танишиб қолган, республикамиз фуқароси Динана Уриевани директор қилиб тайинлайди. Ўзи муассис сифатида молиявий ишларни бошқариб туради. Мазкур корхонанинг фаолиятини йўлга қўйиш учун М.Беманали Эроннинг "Банк Садерат" банкидан 160 минг АҚШ долларини микродорида кредит олиш учун ушбу

молия муассасасига тегишли ҳужжатларни топширади. Бу шахс мазкур кредитни расмиёлаштириш учун қалбаки бизнес режа тақдим этади. Унга асосан пластмасса чиқиндиларни қайта ишлаш учун керакли ускуна ва ҳозлар олинмиши керак эди. Чет эллик тадбиркор гўё "ҳеч ким билмайди" қабилда иш тугтиб, бизнес режасига Эрондаги ўзига қарашли бўлган компания билан тузилган сохта олдиротди шартномасини илова қилади. Яъни унга кўра, М.Беманалининг юртимиздаги фирмаси пластмасса чиқиндиларни қайта ишлаб, улардан

Илҳом АЙДУСОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлими бошлиғи

турли буюмлар ишлаб чиқариши керак эди. Юртимизда инвесторларга яратилган қулай муҳитдан фойдаланган М.Беманали сохта ҳужжатларга асосан "Банк Садерат" банкидан 3 йил муддатга 100 минг АҚШ долларини микродорида кредит олишга эришади. Кредит олинади, бироқ бизнес режани амалга оширишга келганда эса, барчаси қозғола қолдиб кетаверади. М.Беманали "Экбор" хусусий корхонасида мана шу маблағлар ҳисобига

ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ўрнига, пулларни турли ноқонуний йўллар билан ўзлаштириб олаверади. Орадан кўп вақт ўтмай ҳисоб рақамдаги 100 минг АҚШ долларини сохта тадбиркорнинг манфаатлари йўлида сарфлаб юборилади.

Вақти келиб, корхона фаолияти ўрганилганда, "инвесторнинг" барча қилмишлари ошкор бўлди. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилди. Суд томонидан Мортеза Беманали Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбдор деб топилди. Аммо хориж фуқароси бўлган М.Беманалига нисбатан инсонпарварлик тамойиллари қўлланилди. Юртимизда эълон қилинган амнистия актига асосан у жазодан озод қилинди ва ўз юртига чиқариб юборилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда ёшларни баркамол инсонлар этиб тарбиялашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Айниқса, уларнинг билим олиши, замонавий касб-хўнар эгаллаши учун барча зарур чора-тадбирлар қўриляпти, давр талабига жавоб берадиган таълим муассасалари ва спорт иншоотлари бунёд этилиб, улар фарзандларимиз камолоти йўлида хизмат қилмоқда. Бунинг самарасида йигит-қизларимиз халқаро фан олимпиадалари, мусиқа ҳамда санъат фестиваллари, спорт мусобақаларида улкан натижаларни кўлга киритаётгани диққатга сазовордир.

Битирувчи — эртанги мутахассис

Ёрмухаммад МАМАДАЛИЕВ,
Учқўрғон туман прокурорининг катта ёрдамчиси

Айни чоғда давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорига ҳам эртанги кунимизнинг таянчи ҳамда сунъчи бўлиши ёш авлодани янги, мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-хўнарларни пухта эгаллаган, шу юртининг ҳақиқий эгаси, Ватанимизнинг тақдирини ҳамда келажагини ўзининг масъулиятини ўз зиммасига олишга қодир инсонлар этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилгани аҳамиятлидир.

Чиндан ҳам навқирон авлод эришаётган оламшумул муваффақиятлар замирида, энг аввало, улар учун яратилаётган кенг имкониятлар ҳамда шарт-шароит, қолаверса, халқимизнинг юксак илмий-интеллектуал салоҳияти, маънавий жасорати ва тафаккури мўжассам. Айниқса, истиқлол ёшларимизга аждродларга муносиб авлод бўлиб воғага етиш масъулиятини аниқлагани ҳамда дунёдаги тенгқурлари билан бўйлашишга, иқтидорини тўла намоеён қилишга имкон бергани учун ҳам қадридир. Бу фарзандларимизни биздан кўра кучли, билимли, дон ва албатта, бахтли этиб тарбиялаш борасидаги мақсад-муддаомизнинг рўёбига хизмат қилмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, мамлакатимизда ёшлар, хусусан, касб-хўнар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлашга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Мухими, ушбу сазй-ҳаракатлар ўз самарасини бериб, коллежларни битираётган йигит-қизлар мутахассисликлари бўйича ишга жойлашмоқдалар. Шу билан бирга, тадбиркорлик фаолияти билан шугулланишни истаган ёшларимиз учун кенг имкониятлар яратилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 мартдаги "Касб-хўнар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ушбу йўналишдаги ишларни янги босқичга кўтарди. Учқўрғон туман прокуратураси томонидан ҳам юқоридаги қарор ижроси бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2015-2016 ўқув йилида касб-хўнар коллеж битирувчиларини ишга жойлаштириш, тўрт томонлама шартномалар тузиш масаласи юзасидан қатъий назорат ўрнатилган. Жорий йилда 7 та касб-хўнар коллежини 1941 нафар ўқувчи тамомлаган бўлса, шундан 1904 нафари корхона, ташкилот ва муассасаларга ишга жойлаштирилди.

Туман прокуратураси ташаббуси билан ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркаси ўғил-қизлар учун айнаи муддао бўлди. Унда 32 та корхона, ташкилот, муассаса ҳамда 14 та юридик мақомага эга бўлган фермер ҳўжаликлари 438 та бўш иш ўринларини таъсия этиши ёшларнинг ўзлари қизиққан йўналишларда иш топшишига яқиндан кўмак берди. Иш бериувчиларнинг имконият, шарт-шароит ва ишлаб чиқариш технологиялари билан яқиндан танишган 85 нафар битирувчи ярмаркада тўрт томонлама шартнома тузишга муваффақ бўлди.

Шунингдек, туманда Вазирлар Маҳкамасининг "Умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини ўрта-максус, касб-хўнар таълими муассасаларига қабул қилиш кўрсаткичларини шакллантириш тартиби тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлашга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. 2015-2016 ўқув йилида 9-синф битирувчиларининг қабули назорати олиб борилди. Мавжуд 43 та умумтаълим мактабини битираётган 2337 нафар ўқувчи томонидан коллеж ва академик лицейларга ҳужжат топширилиши таъминланди.

Лоқайдлик оқибати

Жамшид ЮСУПАХМЕДОВ,
Бўқа туман прокуратураси терговчиси

Истиқлол йилларида юртимизда иқтисодиётнинг барча тармоқларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиши натижасида ижтимоий-иқтисодий ҳаётиимизда кенг қўламли янгилашнирор ўз бермоқда. Бу жараёнда, хусусан, молия муассасаларининг ҳам ўзига хос таянч бўлаётгани диққатга сазовордир.

Дарҳақиқат, бугунга келиб мазкур тизим иқтисодиётда амалга оширилаётган янгилишнир ва ўзгаришлар, умуман, мамлакатимизни модернизация қилишни таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмоқда. Шунинг учун ҳам юртимизда замонавий банк тизимини шакллантириш ва уни халқаро меъёрларга мос равишда ривожлантириш борасидаги ишлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Бироқ ушбу тизимда мана шу ислохотларга тўсиқ бўлаётганлар ҳам ўраб турибди. Хусусан, республикамизда фаолият кўрсатаётган банклардан бирининг Бўқа туман филиалига 2009 йилда Нозим Собиров (исм-фамилиялар ўзгаририлган) бошқарувчи қилиб тайинланади. Банк бошқарувчиси лавозимига тайинланган Н.Собиров дастлабки йилларда ўз ишига астойдил киришади. Ҳатто банкнинг нуфузини туман миқёсида яхшилашга эришади. Табиийки, яхши банкнинг ижозати ҳамма кўп бўлади. Молия муассасасига кредит сўраб келувчилар сонини ошади. Хуллас, банк филиалига маҳаллий аҳолининг ҳамда тадбиркорларнинг ишончи ортади.

Бошқарувдаги ақсарият ҳолатлар раҳбарга ботлиқлиги барчага аён. Аммо Н.Собиров шу ақида-ни кўп ўтмай унутди. У кейинчалик, яъни 2014

йилгача 64 та фермер ҳўжаликларига меъёрдан ортиқча кредит маблағлари ажратиб юборди. Афсусланарлиси, маблағ ажратиш жараёнида уларнинг молиявий аҳвали ўрганилган. Натижада эса пахта етиштириш учун ажратилган 744 млн. 532 минг сўмлик, ғалла етиштириш учун ажратилган 184 млн. 209 минг сўмлик кредитлар ўз муддатига тўланмади.

Шунингдек, Н.Собиров раҳбарлик қилаётган банк филиали яна 11 нафар юридик шахсга ҳеч қандай гаровларсиз 771 млн. сўм кредит маблағлари бериб юборганлиги ҳам текширишларда аён бўлди.

Бу ҳам етмагандек, банк филиали томонидан жисмоний шахсларга берилган 53 млн. 800 минг сўм истеъмол кредитлари ҳам белгиланган муддатда сўндирилмаган экан.

Филиал фаолияти текширилганда, Н.Собировнинг бундай совуқчилиги ва лоқайдлиги муассасанинг бош ҳисобчиси Мурод Адхамов ҳамда кредит бўлими бошлиғи Фарход Исроилловлар ҳам шерик бўлишган. Боиси, бу шахслар раҳбарлари томонидан қувватланган мазкур ҳолатлар ноқонуний бўлса-да, бунга панжа орасидан қараб, кредитни вақтида қайтариш масалаларини ўз ҳолига ташлаб қўйишган.

Лоқайдликка йўл қўйиб, давлат манфаатларига жиддий зарар етказган бу кимсаларнинг қилмишлари жиноят ишлари бўйича Бўқа туман судида кўриб чиқилиб, уларга нисбатан тегишли жазо тайинланди.

Қонун кимнинг дўсти?

Бугун биз демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан борялмиш. Давлатимиз раҳбарини эътироф этганидек, "Ҳуқуқий давлатнинг қўзи ҳам, сўзи ҳам, қуроли ҳам, ҳимояси ҳам қонундир".

Демократик ҳуқуқий давлат асоси фуқаролардаги ҳуқуқий маданият даражаси, улардаги қонунларга нисбатан ҳурмат ва итоат туйғуси билан белгиланади. Зотан, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақиятида жамиятда қарор топиб бораётган юксак ҳуқуқий маданият, юртодшларимизнинг ҳуқуқий онги ва саводхонлиги даражаси муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунинг учун ҳам биз қонунчилик тарғиботида суд-ҳуқуқ тизимидаги янгилишнирлар, ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини аҳолига етказишда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан оқилона фойдаланишга интилялмиш. Мақсад эса катта-ю кичик, энг аввало, қонунларни билишга, ўз ҳуқуқ, бурч ва мажбуриятларини аниқлаб етишга одатлансин. Зеро, қонун — бу қалқон, у — ҳимоячи!

Шу ўринда юқорида қўйган

саволимизга қайтишга тўғри келади: қонун кимнинг дўсти? Уни билганнинг, ҳурмат қилиб, амалда унга риоя этганининг! Қонунни дўст билиш — муаммоларга осон ечим топишнинг қалити. У муурожаат этиш, барча конституцийвий ҳуқуқлардан фойдаланиш, дегани. Демак, қонунни билмаганларни ёки билатуриб унга амал қилмаганларни шунга яраша муносабат қутади.

Прокуратура органлари ҳам барча суд-ҳуқуқ тизими ҳодимлари қатори қонунчилик тарғиботидан ана шу моҳиятти кишилар онгига сингдиришни мақсад қилишган. Биргина шу йилнинг ўзида бу борада ОАВ орқали 710 марта тарғибот фаолияти амалга оширилди. Чининг учун ҳам биз қонунчилик тарғиботида суд-ҳуқуқ тизимидаги янгилишнирлар, ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини аҳолига етказишда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан оқилона фойдаланишга интилялмиш. Мақсад эса катта-ю кичик, энг аввало, қонунларни билишга, ўз ҳуқуқ, бурч ва мажбуриятларини аниқлаб етишга одатлансин. Зеро, қонун — бу қалқон, у — ҳимоячи!

Шу ўринда юқорида қўйган саволимизга қайтишга тўғри келади: қонун кимнинг дўсти? Уни билганнинг, ҳурмат қилиб, амалда унга риоя этганининг! Қонунни дўст билиш — муаммоларга осон ечим топишнинг қалити. У муурожаат этиш, барча конституцийвий ҳуқуқлардан фойдаланиш, дегани. Демак, қонунни билмаганларни ёки билатуриб унга амал қилмаганларни шунга яраша муносабат қутади.

Прокуратура органлари ҳам барча суд-ҳуқуқ тизими ҳодимлари қатори қонунчилик тарғиботидан ана шу моҳиятти кишилар онгига сингдиришни мақсад қилишган. Биргина шу йилнинг ўзида бу борада ОАВ орқали 710 марта тарғибот фаолияти амалга оширилди. Чининг учун ҳам биз қонунчилик тарғиботида суд-ҳуқуқ тизимидаги янгилишнирлар, ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини аҳолига етказишда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан оқилона фойдаланишга интилялмиш. Мақсад эса катта-ю кичик, энг аввало, қонунларни билишга, ўз ҳуқуқ, бурч ва мажбуриятларини аниқлаб етишга одатлансин. Зеро, қонун — бу қалқон, у — ҳимоячи!

Гўзал ШАРИПОВА,
Наманган вилоят прокурорининг
Матбуот хизмати бўйича катта ёрдамчиси

ган. Қолаверса, жиноят битта бўлса ҳам кўп. Демак, кишиларни юксак ҳуқуқий маданият сари етаклаб, иллатларга қарши курашишга ундамоқ барчанинг бурчидир.

Хулоса қиладиган бўлсак, "Тинч ўтган ҳар кунинг байрам", деган ҳикमतомуз ибора бую халқимизда. Энг улғ, энг азиз байрамимиз — мустақиллигимизнинг 25 йиллик шодийганига тобора яқинлашаётган ана шундай фараҳбахш кунларда тинчлик нечоғли улғ ва тенгсиз нэмат, бебаҳо бойлик эканини яна-да теранроқ англашимиз керак.

Халқимиз орасида ҳар қандай иллатни баргараф этишда унга қарши курашгандан кўра, олдин олган яхши, деган гап бору. Бир сўз билан айтганда, биз зиммасизга юклатилган ва-зифалар ижросига тарғиботнинг таъсиринан кучи, кўмағи, Президентиимиз таъбирча, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш орқали эришялмиш.

Қонун — тараққиёт кафолати

[Давоми. Бошланғичи 1-бетда]



Соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг янги босқичга кўтарилиши, жаҳон тиббиёти даражасига эришиш аҳоли саломатлигини, узоқ умр кўришини таъминлайди.


Текширишлар жараёнида соғлиқни сақлашга оид қонунчилик ижросига, айниқса оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши ҳамда ҳомиладор аёлларга ва болаларга маблакали тиббий ёрдам кўрсатиш борасидаги тадбирлар тизимли ташкил этилишига аҳолига ёндашилди. Пировардида вилоятда гўдақлар ўлими, шунингдек, юқумли касалликлар камайди.

Мустақиллик йилларида таълим-тарбия соҳасини ислоҳ қилиш ҳамда такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиши бугунги кунда ёшларимизга ўз билими, саломатлиги, спортдаги ютуқлари билан мамлакатимизни жаҳонга танитиш имконини берди. Таъқидлаш жоизки, таълим тизимини тараққиётини кафолатловчи ҳуқуқий асос яратилди.

Чунончи, "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг ҳаётга изчил татбиқи этилиши самарасида ўсиб келаётган ёш авлодни ўқитиш сифатли жорий этилгани, ўқувчилар замонавий биноларда жойлашган, жаҳон стандартлари даражасида жиҳозланган мактабларда таҳсил олишаётгани фикримизнинг яқоли далилидир.

"Соғлом она ва бола" таъминоти асосида моҳияти ва аҳамиятига кўра кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жорий йилда вилоятда 10 млрд. сўмдан ортиқроқ маблағлар ҳисобига 7 та спорт иншооти, 5 та мактабнинг спорт заллари ва 1 та сузиш ҳавзаси, 1 та спорт маъмуиси қурилиш ишлари якунига етиш арафасида турибди.

Тиббиёт муассасаларининг, шу жумладан, турмушга ёрдам берувчи ва болалар тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш борасида ҳам қатор амалий ишлар олиб борилмоқда. Чунончи, виллоятнинг чекка ҳудуди Олот тумани тиббиёт бирлашмасида 45 ўринли терапия бўлимида мукамал таъмирлаш ишлари олиб борилди. "Човдур", "Денов", "Баҳористон" ҚВЛларида ҳам келгусида қурилиш-



таъмирлаш ишлари бўйича тегишли чора-тадбирлар режалаштирилган.

Ромитан тумани тиббиёт бирлашмасининг болалар бўлими биносини реконструкция ишлари олиб борилиб, бирлашманинг ички дорихонаси мукамал таъмирланган бўлса, 12 та ҚВП бинолари мукамал таъмирланиши режалаштирилиб, 117 млн. 647 минг сўмлик маблағ билан молиялаштирилди.

Бугунги кунда одамларнинг нафақат ерга, мулкка, балки меҳнатга муносабати тубдан ўзгарганига гувоҳимиз. Айни пайтда боқимандалик кайфияти барҳам топди. Аксарият фуқароларимиз тадбиркорлик ёки фермерлик билан шуғулланмоқда. Мамлакат макроиктисодий тараққиётининг муҳим тармоғи ҳисобланган кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари, эркин фаолияти юретиши учун барпо этилган қучли ҳуқуқий механизм, солиқ имтиёзлари ва имкониятлар жамиятда ишчанлик муҳитини яратди. Янги иш ўринларининг ташкил этилиши, халқ турмуш фаровонлигининг юксалиши, бозорлар тўқинлигида ҳам ушбу соҳанинг ривожини алоҳида аҳамиятга эга.

Хусусий сектор вакиллари-нинг қонуний манфаатларини ҳимоялашга оид қонунлар, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг бундай фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга қаратилган фармон ва қарорлари ижросининг сўзсиз таъминланиши юзасидан қатъий чоралар кўриб борилди.


Бу борада, Республика Президентининг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилиш таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросини таъ-

минлаш ҳамда уни кенг жамоатчиликка тарғиб қилишда прокуратура идоралари томонидан алоҳида дастурлар асосида тадбирлар амалга оширилди. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоят прокуратураси органлари томонидан тадбиркорлар билан жами 194 та учрашув ўтказилиб, ушбу тадбирларда 5285 нафар тадбиркорлик субъектларининг иштироки таъминланди. Уларнинг 106 нафарига амалий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, тасдиқланган дас-

қилинганлиги аниқланди ва прокурор протестлари асосида бекор қилинди ёки қонун талабларига мувофиқлаштирилди.

Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектларидан вилоят прокуратураси органларида ташкил этилган ишонч телефонларига келиб тушган 76 та мурожаатнинг қонуний ҳал этилиши таъминланиб, 18 таси қаноатлантирилди. Хусусан, яқка тартибдаги тадбиркор Ж.Ҳамроевнинг мурожаатига асосан АТ "Халқ банки" Қоракўл филиалидан унга тўлов терминали олиб берилиши ҳамда хизмат интизомини бузган банк ходимининг интизомий жавобгарлиги ҳал қилиниши таъминланди.

Вилоятда ёшларнинг тадбиркорлик соҳасига қизиқиши ортиб, изланиш ва ташаббускорликни қўлдан бермаётгани қувонарли ҳол. Хусусан, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун 76 нафар коллеж ва лицей битирувчиларига 792,8 млн. сўмлик кредит-



тур асосида фаолиятини тўхтатган ҳар бир тадбиркорлик субъекти вакиллари билан алоҳида сўхбатлар ўтказилиши натижасида 167 та кичик корхонанинг фаолияти тикланди ва шу асосда 247 та иш ўринлари яратилди. Олиб борилган ишлар самараси ўлароқ, вилоятда фаолият кўрсатмаётган корхоналар сони йил бошига нисбатан 1430 тадан 1174 тага камайди. Масалан, Бухоро туманида фаолиятини тўхтатган "Шейхон медиа транс" МЧЖ вакили билан олиб борилган тарғибот тадбирлари натижасида жамият фаолияти тикланиши таъминланиб, 17 та иш ўринлари яратилди.


Тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган қонун ҳужжатлари талабларини бузиш ҳолатлари юзасида 200 дан зиёд прокурор назорати хужжати қўлланилиб, 68 нафар мансабдор шахс интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилди, жиддий қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан 4 та жиноят иши кўзгатилиб, 129 та тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Шу даврда вилоят, шаҳар ва туман ҳокимларининг тадбиркорликка оид қарор ва фармойишлари ўрганилганда уларнинг 30 таси қонун талабларига зид равишда қабул

лар ажратилиши таъминланди. Айни кунда касб-хуналар коллежларининг 4801 нафар ўқувчилари бандлиги таъминланиб, қолган 22265 нафар битирувчиларни меҳнатга жалб қилиш юзасидан тузилган тўрт томонлама шартномаларнинг амалда бажарилиши алоҳида назоратга олинди.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаати уларнинг қонуний ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишининг муҳим омилларидан биридир. Фуқароларимизга яратилаётган қулай имкониятлар давлатимизда инсон ҳуқуқларига қай даражада эътибор бириллаётганидан далолат беради. Хусусан, фуқаролар, тадбиркорларга "Ишонч телефони" орқали давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига мурожаат қилиш билан бир қаторда эндиликда янги қонунга кўра, "электрон мурожаат" ҳуқуқи ҳам кафолатланиб, мустаҳкамланди.

Вилоят прокуратураси томонидан жисмоний ва юридик шахсларни шахсан прокурорлар томонидан қабул қилишга, уларнинг сайёр қабуллари-ни самарали ташкил этишга устувор аҳамият қаратилмоқда. Чунончи, прокуратура органларига келиб тушган 10 мингдан ортиқ мурожаатнинг 71 фоизи ҳал этилди. Қарийб 1000 нафар фуқаронинг муро-



жаатлари қаноатлантирилиб, 600 га яқин фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Мурожаатларни кўриб чиқиш натижасига кўра мансабдор шахсларнинг қонунга зид бўлган ҳуқуқий ҳужжатларига 40 та протест келтирилди, прокурорларнинг қарорлари асосида 52 нафар масъул шахс интизомий, 29 нафар маъмурий жавобгарликка тортилди, жиддий қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан 46 та жиноят иши кўзгатилиб, Жумладан, Олот тумани архитектура ва қурилиш бўлими мансабдор шахслари томонидан тумандаги "Агамуратов Ҳамид равнақи" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Ҳ.Агамуратов, шунингдек 3 нафар яқка тартибдаги тадбиркорлар ва тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истағида бўлган 5 нафар фуқаронинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун ер майдони ажратиб бериш хусусидаги аризалари тегишли тартибда ҳал қилинмаган, сақлаб келингани аниқланган. Ушбу ҳолат юзасидан туман архитектура ва қурилиш бўлими мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши кўзгатилиб, жазо муқаррарлиги таъминланди.

Мустақилликнинг ўтган 25 йиллик даврида амалга оширилган ишлар қўламини сарҳисоб қилиш асосида бир лаҳза ортга назар ташлар эканмиз, халқимиз ҳаёти, турмуш тарзи нақадар ўзгарганлигига, фаровонлик сари юз тутганлигига, шаҳарларимиз гузаллиги, қишлоқларимизнинг ободлиги, энг асосийси, шу юрда умргузaronлик қил-ётган ҳар бир инсон буюк неъмат — тинчлик, эркинлик наҳидасини суриб, турмуш кечираётганлигига яна бир бор гувоҳ бўламиз.

Буларнинг барчаси замирида мустақил юртимизнинг буюк келажаги учун ишонч, фарзандларимизнинг биздан-да бахтли ва фаровон турмуш кечириши учун замин яратишга қаратилган интилиш, қолаверса, Ватанга бўлган муҳаббат ҳисси ётади.

Ҳуқуқий демократик давлатнинг бош тамойили — қонун устуворлигини таъминлашдан иборат. Ушбу жараёнда нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, балки кенг жамоатчиликнинг ҳамкорлиқдаги фаолияти, фуқароларнинг энг дахлдорлик туйғусини ҳис этишлари муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, қонунлар ижросининг тўла таъминланиши тараққиётимиз кафолатидир.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ: ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ ЭЪТИБОРДА

Республикамиз иқтисодиётининг муҳим тармоғи бўлган қишлоқ хўжалигида қонунийликни таъминлаш юртимиз тараққиёти ва халқ фаровонлигига хизмат қилади. Шу боис мазкур соҳада ислохотларни чуқурлаштириш ва самардорлигини оширишга доир қонунлар, Президент фармон ва қарорлари, ҳукумат қарорларида баён этилган талаб ва қоидаларнинг ўз вақтида, тўлиқ ижро этилиши устидан назорат олиб бориш вилоят прокуратураси органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу борада доимий мониторинг ва текширишлар ўтказилиб, аниқланган қонун бузилиши ҳолатларини ўз вақтида бартараф эттириш чоралари кўрилмақда.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан қишлоқ хўжалиги соҳасига доир қонунчилик ижроси юзасидан 2016 йилнинг биринчи ярми мобайнида 151 та текшириш ва мониторинг ўтказилиб, натижаларига кўра 2906 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди. Жумладан, қонунга зид ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан 352 та протест келтирилиб, 332 та ҳуқуқий ҳужжат қонун талабларига мослаштирилди. Қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиш бераётган шарт-шароитларни бартараф эттириш юзасидан ваколатли идоралар ва мансабдор шахсларга 122 та тақдимнома киритилди.

Шунингдек, содир этилган қонун бузилиши ҳолатларининг хусусиятига қараб 51 нафар шахс интизомий, 405 нафар шахс маъмурий ва 5 нафар шахс моддий жавобгарликка тортилди. Жисмоний ва юридик шахслар ҳамда давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролик судларига 1 миллиард 253,1 миллион сўмлик 1644 та, ҳўжалик судига 6,6 миллиард сўмлик 175 та давво аризаси киритилди.

Ер — бебаҳо бойлик, ризқ-рўз манбаи. Ундан оқилона фойдаланиш эл-юрт фаровонлиги ва раванқига хизмат қилади. Шундай экан, ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қатъий амал қилиш ҳар бир фермер ва деҳқон учун ҳам бурч, ҳам мажбуриятдир. Бироқ буни ҳамма ҳам чуқур англаб етаетгани йўқ. Шу

ўринда аниқланган баъзи ҳолатларни келтириб ўтмоқчимиз.

"Нишон янги ери" фермер хўжалиги раиси Х.Мўминов билан "Дунё-М" акциядорлик жамияти ўртасида 2015 йил 5 октябрда давлат эҳтиёжлари учун бошқоқли дон харид қилиш бўйича тузилган контрактация шартномасига кўра, фермер хўжалиги жорий йилда 70 гектар майдонга бошқоқли дон экинлари экиб, давлатга гектаридан 20 центнердан, жами 140 тонна дон сотиши керак эди. Бироқ фермер 44 гектар майдонга галла экан, холос. Ваҳоланки, мазкур фермер галла экилмаган 26 гектар майдон учун ҳам ортиқча уруғлик, шунингдек 5156 литр, яъни 12 миллион 94,7 миң сўмлик дизель ёқилғиси олган. Умуман, у масъулиятни ҳис этмаслиги оқибатида ўзига эшониб топширилган ва ихтиёрида бўлган ўзганинг 31 миллион 656 миң сўмлик мол-мулкни талон-торож қилган.

Муборак туманидаги "Qurbonov Umidullo" фермер хўжалигига раҳбарлик қилаётган Х.Турғунов ажратилган 61,3 гектар ер майдонидан хўжасизларча фойдаланиб, давлат эҳтиёжлари учун бошқоқли дон харид қилиш ҳамда пахта қомошиёти ва уруғлик пахта харид қилиш бўйича тузилган контрактация шартномалари талабларига риоя этмай, олинган нефть маҳсулотлари ва минерал ўғитларни талон-торож қилган. Бундан ташқари, у хизмат кўрсатувчи ва таъминотчи корхоналар билан ўзаро ҳисоб-китобларга ҳам бефарқ қараб, 77 миллион 135



миң сўм миқдоридagi мudda-ти ўтган кредитор қарздорликка йўл қўйган. Оқибатда қишлоқ хўжалиги корхоналари, давлат ва жамият манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар etkazилган.

Маълумки, "Ергеодезкадастр" Давлат кўмитаси ва унинг ҳудудий бўлимлари ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш бўйича асосий ваколатли давлат органи ҳисобланади. Бироқ мазкур кўмитанинг баъзи туман бўлимлари раҳбарлари ва мутахассислари ўз ваколатлари масъулиятини тўла англаб етмаган кўринади. Масалан, Ғузор тумани ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими мансабдор шахслари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 16 февралдаги Қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри Давлат кўмитаси ҳузуридаги Давлат геодезия назорати инспекцияси тўғрисида"ги Низом талаблари бажарилмаганлиги оқибатида туман ҳокимлиги захира ер фондида бўлган 3,28 гектар суғориладиган ер майдони баъзи фуқаролар томонидан талон-торож қилинган.

Қонун бузилиши билан боғлиқ барча ҳолатлар юзасидан айбдорларга нисбатан тегишли қонуний чоралар кўрилди.

Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси ижросига маҳаллий ҳокимликлар томонидан қандай амал қилинаётганлиги бўйича ҳам текширишлар ўтказилди. Қонунга зид ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан 227 та протест кел-

тирилиб, қўпол қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан 2 та жинойят иши кўзгатишди. Хусусан, Қосон туман ҳокимининг қарори билан фуқаро А.Узоқова ободонлаштириш ва кўпаламорлаштириш учун 0,37 гектар суғориладиган ер майдони ажратилган. Ушбу қарорни қабул қилишда Ер кодексининг 6-моддаси талабига риоя этилмаганлиги аниқланиб, вилоят прокуратураси томонидан қарорни қонун талабига мувофиқлаштириш ҳақида протест келтирилди.

Вилоятимиз шароитида экинларни суғоришда ҳар томи сувдан оқилона фойдаланиш ниҳоятда муҳим. Вилоят "Сувназорат" инспекцияси томонидан ўтган даврда ўтказилган назорат тадбирларида ғўза майдонларини суғоришда сув исрофгарчилигига йўл қўйган 197 нафар шахсга нисбатан ҳар томи сувдан қўлланилди. Жумладан, Миришкор туманидаги "Аборобек" фермер хўжалигида ғўза майдонларини суғориш учун ажратилган сувдан тежаб-тергаб фойдаланилмагани натижасида ерларнинг маълум қисмлари қўллашга йўл қўйилган. Аниқланган ушбу ҳолат бўйича фермер хўжалиги раиси А.Иноғтовга нисбатан жарима қўлланилди.

Мамлакатимизда қорвачиликка доир қонун ҳужжатлари мазкур соҳани янада ривожлантириш мақсадида қабул қилинган. Ўтказилган текширишларда ушбу соҳада ҳам қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланиб, тегишли чоралар кўрилмоқда. Масалан, Чирокчи тумани "Кўкдала"

Бахтиёр ИСМАТОВ,
Қашқадарё вилоят
прокуратураси бўлим бошлиғи

ширкат хўжалиги бош чўпони Ш.Раззоқов жавобгарлигида бўлган жами 325 бош 53,9 миллион сўмлик майда шохли молларни ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган. Мазкур ҳолат юзасидан унга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

Ўзбекистон иқлими, унинг ҳосилдор ерлари ноз-неъматлар етиштиришни кўпайтириш учун ниҳоятда қулай. Президентимизнинг 2016 йил 12 апрелдаги "Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори бу борада жуда катта аҳамиятга эга ҳужжат бўлди. Ушбу қарор ижроси юзасидан ўтказилган тадбирлар шунини кўрсатдики, соҳада амалга оширилаётган катта ишлар билан бирга қонун бузилиши ҳолатлари ҳам учраб турибди. Уларни бартараф этиш юзасидан 2 та тақдимнома киритилди, қонунга зид ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан 20 та протест келтирилди, 20 нафар мансабдор шахсга нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш кўзгатишди.

Қишлоқ хўжалигида қонун устуворлигини таъминлаш бу борада прокуратура органларига жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушаётган мунозараларни қонуний ҳал этишни ҳам талаб этади. 2016 йилнинг биринчи ярмида вилоят прокуратурасига келиб тушган мунозаралар сони 744 тани ташкил этди. Шундан 236 таси бевосита прокуратуранинг тегишли бўлимида ҳал қилинди, жумладан, 55 таси қаноатлантирилди.

Барча соҳаларда бўлган сингари қишлоқ хўжалигида амалга ошириб келинаётган ислохотлар самараси қонунларга қатъий амал қилинишига ҳам боғлиқ. Шундай экан, қонуний ишчимизнинг бош мезони бўлиши лозим.

Парламентда

Маданий мерос объектилари муҳофазасига оид парламент эшитуви

Давоми. Бошланиши 1-бетда/

Парламент эшитувида депутатлар маданий мерос объектиларини инвентаризациядан ўтказиш, паспортларини тайёрлаш, уларнинг чегараларини белгилаш, уларни муҳофаза қилиш, реставрация қилиш, ўрганиш ва тарғиб қилиш масалаларида ечимини кутаетган муаммолар мавжудлигига эътибор қаратди.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан маданий мерос объектиларини аниқлаш ва ҳисобга олиш ишларини яхшилаш талаб этилиши, музейлар, архивлар, кутубхоналарда ва бошқа жойларда сақланаётган, маданий мерос объекти белгилигига эга бўлган экспонатлар, коллекциялар ва архив ҳужжатларининг тўлиқ тоифалаштирилган рўйхатини тузиш зарурлиги ҳам таъкидланди.

Парламент эшитувида сиёсий партиялар фракциялари ва Экохара-

кат депутатлик гуруҳи ўзларининг дастурий вазифаларидан келиб чиқиб, муҳофиза этилаётган масала юзасидан нуктаи назарларини баён қилди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партиясидан сайланган депутатлар мавжуд моддий маданий мерос объектиларини асраш чора-тадбирларини амалга ошириш, уларни консервациялаш, тузатиш, таъмирлаш, фойдаланишга мослаштириш ва келажақ авлодга etkazишда жамоатчилик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ролини ошириш муҳим аҳамият касб этишига уруғ берди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг фракцияси аъзолари мутасадди ташкилотлар томонидан моддий маданий мерос объектилари давлат кадастрининг юриштирилиши яқунига etkazишни тезлаштириш, музейлар, архивлар, кутубхоналар ва бошқа сақлаш жойларидоғи мавжуд маданий мерос бойликларининг ум-

мий рўйхатини тузиш, уларни кадастр рўйхатига киритиш ишларини амалга ошириш, Умумжаҳон маданий мероси рўйхатига ва Инсоният номоддий маданий меросининг репрезентатив рўйхатига мамлакатимиздаги янги маданий мерос объектиларининг киритилиши юзасидан стратегик аҳамиятга эга бўлган аниқ чора-тадбирлар кўрилишини таъкидлади.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг фракцияси вакиллари маданий мерос объектиларини муҳофаза қилиш, ундан фойдаланиш борасида амалга оширилган ишларни қайд этган ҳолда маданий соҳадаги ислохотлар бой маданий ва номоддий меросимиздан ёш авлод тарбиясининг муҳим воситаси сифатида фойдаланиш лозимлигига асосий эътиборни қаратди.

"Адолат" социал-демократик партиясининг фракцияси аъзолари маданий мерос объектиларига қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, қонуности ҳужжатларини ўз вақтида

қабул қилиш ҳамда амалга оширишдаги муаммоларни бартараф этиш ҳақидаги фикрларини баён этди.

Экохаракат депутатлар гуруҳи қадимий тарихий обидаларни, шу жумладан, меъморий обидаларнинг ёғочли конструкцияларини, ноёб кўҳна дараклар ва бошқа табиий обидаларни сақлаб қолишининг экологик хавфсиз усулларини ишлаб чиқиш ва жорий этишни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратди.

Парламент эшитуви яқунлари бўйича мутасадди идораларга "Маданий мерос объектиларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонун ижроси самардорлигини янада ошириш учун зарур бўлган қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, ушбу қонун ижросини таъминлашда парламент ва депутатлик назоратини кучайтириш юзасидан таклиф ва тавсияларни ўз ичига олган қарор қабул қилинди.



Ер юзидаги ҳар бир халқ ўз мустақиллигини мустақамлашга, уни асраб-авайлашга интилади, ҳаракат қилади. Зеро, мустақиллик халқларнинг ўзлигини англаш, ғурур ва ифтихори, тинч-тотувлиги ва фаровонлиги гарови ҳисобланади. Ҳеч шубҳасиз айтиш мумкинки, давлатларнинг энг улуғ ва энг азиз байрами бу мустақиллик байрамидир.

Таъкидлаш лозимки, эрки ўз қўлида бўлмаган давлатнинг бойлиги ҳам, мулки ҳам тасарруфидан бўлмайди. Бу мулкни ўзгалар ўз хошияна тасарруф этади, ундан фойдаланади. Яъни собиқ иттифоқ даврида мамлакатимиз улкан миллий бойликларга эга бўлиб, халқимиз турли соҳада оғир меҳнат қилган бўлса-да, бу меҳнатнинг роҳати мамлакатимиз халқи учун сезилмаган. Аксинча, ижтимоий соҳа ночор аҳволда бўлиб, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, мактабгача болалар муассасалари оғир аҳволга тушиб қолган эди. 1990 йилда республикада илм-фан ва таълим соҳасининг моддий-техник базиси, кадрлар таркиби ачинарли аҳволга тушиб қолган, жумладан, 1700 та мактаб биноси авария ҳолатида бўлган. Мактаб ва касалхоналарнинг 60 фоизи нобоб биноларда жойлаштирилган. Ҳақиқатда статистиканинг кўрсатишича, Ўзбекистонда аҳоли жон бошига ҳисоблаганда даромади 75 сўмдан ошмайди-ганлар 8 миллион 800 мингга яқин кишини, яъни аҳолининг 45 фоизини ташкил этган. Муштақимизнинг ҳисоб-китобларига кўра, ўша даврда кун кечириш учун камида 85 сўм заруриятини эътиборга олади-ган бўлса, халқимизнинг ана шу даврда қандай қийинчилик билан яшаганини тасаввур қилиш мумкин.

Мазкур муаммоларнинг ҳал этиш қилиши эса мустақиллик эди. Таъкидлаш лозимки, демократия, ҳуқуқий давлат ҳақидаги сўзлар орзу бўлган бир вақтда 1990 йил 20 июнда мамлакатимизнинг Мустақиллик декларациясини қабул қилиши ҳамда Декларацияда Ўзбекистоннинг демократик ҳуқуқий давлат тузишга қарор қилгани мустақамланганлиги. Ҳақиқатда мана шундай ҳуқуқий ҳужжатнинг қабул қилиниши катта жасорат эди. Шу билан бир қаторда, реал сиёсий суверенитетни белгилаб берувчи сиёсий-ҳуқуқий асослардан бири эди.

Умуми, бугунги ва келажик буюк мамлакатимиз Ўзбе-

Ердаги жаннат

кистон Республикаси 1991 йил 31 августда ўз мустақиллигини эълон қилиб, жаҳон майдонида муносиб ўрнига ва сўзига эга бўлиши билан бир қаторда, дунёда тинчлик ва хавфсизликни, барқарорлик ва осойишталикни таъминлаш борасида кучли ва самарали мустақил ички ва ташқи сиёсат олиб бормоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар натижасида аҳолининг турмуш фаровонлиги йилдан-йилга ўсмоқда. Буни иқтисодий барқарорлик натижасида ялпи ички маҳсулотимизнинг ўсиш суръатлари охириги 11 йил давомида жаҳондаги санокли давлатлар қаторида 8 фоиздан кам бўлмайдиган келаётганида, аҳолиимизнинг ҳаёт даражаси юксалиб бораётганида яққол кўриш мумкин.

Қайд этиш лозимки, Ўзбекистон бундан 25 йил олдин оғир иқтисодий танглик, ижтимоий соҳа ночор аҳволда бўлган, асосан пахта яққоқимчилигига иختисослашган, мамлакатдаги 20 миллиондан зиёд аҳолининг эҳтиёжи учун зарур бўлган 5 миллион тоннадан ортиқ ғаллани четдан, катта-катта маблағлар эвазига, кимларгадир муҳтож бўлиб олиб келишга мажбур бўлинган, иқтисодий биёрёқлама ривожланган, пахта яққоқимчилиги ҳалокатли даражада авж олган аграр ўлкадан бугунги кунда изчил тараққий этиб бораётган замонавий индустриал мамлакатга айланган. Биргина рақамга эътибор қаратайлик, 1990 йилларда қишлоқ хўжалигининг улуши ялпи ички маҳсулотга нисбатан 34 фоизни ташкил этган бўлса, саноат улуши 14,2 фоизни ташкил этган. Бугунги кунда эса саноат улуши 34 фоизга этиб, қишлоқ хўжалиги улуши 16,6 фоизни ташкил этмоқда.

Ортимиз аҳолисининг асосий озиқ-овқат товарлари, аввало, дон, картошка, гўшт, сут ва қандолат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи 1990 йилда импорт ҳисобидан қопланган бўлса, ҳозирги вақтда уларнинг 96 фоизи мамлакатимизда ишлаб чиқарилмоқда. Мана шу рақамларнинг ўзи бугунги кунда Ўзбекистон изчил тараққий этиб бораётган замонавий индустриал мамлакатга айланганини кўрсатмоқда ва буни жаҳон ҳамжамияти ҳам тан олмоқда. Жумладан, халқаро миқёсда катта нубузга эга бўлган Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига кўра, Ўзбекистон 2014-

2015 йиллардаги ривожланиш яқунлари ва 2016-2017 йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олган, 2015 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)га аъзо давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришгани учун бериладиган мукофотиغا сазовор бўлган 14 та давлатдан бири сифатида эътироф этилган, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳомийлигида мустақил ташкилотлар гуруҳи ва халқаро экспертлар иштирокида 2015 йилда 158 та давлатда "Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари" деган мавзуда тадқиқот натижалари бўйича Ўзбекистон 44-ўринни эгаллагани каби мисолларни қўллаб келтиришимиз мумкин. Булар Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотларнинг самарали натижасининг эътирофидир.

Шу билан бир қаторда, ҳар йили давлат бюджетининг 60

Хуршид КАРИМОВ,
Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари кафедраси бошлиғи
вазифасини бажарувчи

лазар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан барча вилоят, шаҳар ва туманларимизда 300 га яқин мусика ва санъат мактаблари, 1 минг 900 дан зиёд спорт иншоотлари бунёд этилди. Сўнгги ўн йилда болалар ва ўсмирлар ўртасида спорт билан мунтазам шугулланиш даражаси 30 фоиздан 57 фоизга, қизлар ўртасида 24 фоиздан 47 фоизга етди. Таълим соҳасидаги эътибор натижасида бугун мамлакат ёшлари жаҳон майдонида улкан ютуқларга эришмоқда. Бир вақтлар мактаб ва касалхоналарнинг 60 фоизи нобоб биноларга жойлаштирилган, ўткир иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни бошдан кечирган халқ бугунги кун ютуқларини ўша вақтда нафақат орзу, ҳаттоки тасаввур ҳам қила олмас эди. Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистонни дунё тан олди,

Ўзбекистон 2014-2015 йиллардаги ривожланиш яқунлари ва 2016-2017 йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олди.

фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилаётганини эътиборга олсак, мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояси алоҳида аҳамиятга эга эканлигини кўраемиз. Айни вақтда буюк келажакнинг таянчи ва суянчи бўлган ёшларнинг таълим олишлари, замонавий касбга эга бўлишлари ҳамда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 10-12 фоизи таълим учун сарфланаётган. Бу ЮНЕСКОнинг мамлакатни барқарор ривожлантириши таъминлаш учун таълимга йўналтирилиши зарур бўлган инвестициялар миқдори бўйича тегишли тавсияларидан, яъни 6-7 фоиздан қариб 2 баробар кўп. Бу соҳада ҳам Ўзбекистон бошқа давлатларга андоза бўладиган ислохотларни давом эттирмоқда. Айниқса, 12 йиллик умумий бепул таълим тизимининг жорий этилиши таълим соҳасида эришилган улкан ютуқлардан бири ҳисобланади. Бо-

халқнинг азалий қадриятлари, ғурури тикланди, орзу-умидлари ушалди.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз нафақат ўзининг интеллектуал салоҳиятли ёшлари билан, балки ўзининг табиий бойликлари билан ҳам жаҳонда етакчи ўринларда туради. Жумладан, олтин, уран, мис, табиий газ, вольфрам, калий тузи, фосфоритлар, каолин каби фойдали қазилмалар захираси бўйича нафақат МДХ давлатлари ўртасида, балки бутун дунёда етакчи ўринларни эгаллайди. Бундай улкан бойлиқларга эга бўлган давлатга ҳавас кўзи билан қарайдиганлар ҳам, ҳасад кўзи билан қарайдиганлар ҳам бўлади. Шу сабабли мустақилликни асраб-авайлаш, уни мустақамлаш учун ҳар биримиз ўз ақл-заковатимиз, фидоилигимиз ва ватанпарварлигимизни кўрсата олишимиз керак.

Шу билан бир қаторда, огоҳлик давр талаби эканини ҳар биримиз юракдан ҳис қилиши-

миз лозимлигини унутмаслигимиз керак. Зеро, тинчлик ва хавфсизлик барча даврда, барча халқлар учун улуғ неъмат бўлиб келган. Тинчлик ва хавфсизликни четдан келиб ҳеч ким таъминламайди. Бу улуғ неъматни фақат халқнинг ўзи таъминлайди. Зеро, ўз уйингни ўзинг асра, деб бежизга айтилмайди.

Ташқи сиёсатда тўла ва тенг ҳуқуққа эга Ўзбекистон тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш борасида улкан ташаббуслар кўрсатмоқда. Жумладан, Афғонистоннинг тинчлик ва барқарорликка эришишига қўмақлашиш, Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд яратиш каби ташаббуслари жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган ва тан олинган.

Қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси минтақадаги хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасида тинчликсевар сиёсат тарафдори эканини бутун дунёга кўрсатмоқда. Жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Устави, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисидаги декларация, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг Хельсинки яқунловчи акти ва бошқа халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этган нормаларига асосан 2012 йилнинг сентябрь ойида қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қонунда Ўзбекистон тинчликсевар сиёсат юридаги ва ҳарбий-сиёсий блокларда иштирок этмайди, ҳар қандай давлатлараро тузилмалар ҳарбий-сиёсий блокка айланган тақдирда, улардан қиш ҳуқуқини ўзидан сақлаб қолади, деб белгилангани, шунингдек, Ўзбекистон ўз ҳудудида хорийқий давлатларнинг ҳарбий базалари ва объектлари жойлаштирилишига йўл қўймайди, деб қатъий мустақамланганининг ўзи ҳам Ўзбекистон томонидан амалга оширилаётган мустақил ташқи сиёсат тинчлик, осойишталик, минтақа ва дунёда хавфсизликни таъминлашга қаратилганидан далолат беради. Агар жаҳондаги бошқа давлатлар ҳам ташқи сиёсатда Ўзбекистон танаган йўлдан борганда эди, бугун дунёда юз бораётган нотинчликлар, уруш ва низолар барҳам топган бўлар эди.

Қайд этиш лозимки, бугун мамлакатимиздаги тинчлик, барқарорлик ва халқимизнинг фаровонлигига дунё ҳавас ва ундаги ислохотларга ҳайрат билан қарамоқда. Ўзининг қучқудратига ишонган, буюк тарих ва буюк келажакка эга бўлган давлатгина мана шундай буюк ислохотларни амалга ошира олади.

Фуқаролик процессида иш юритишни тугатиш

асослари, тартиби ва такомиллаштириш масалалари

Одатда, фуқаролик процессида иш кўриш суднинг ишнинг мазмуни бўйича ҳал қилув қарори чиқарилиши билан аяқланади. Бироқ, айрим истисно ҳолатларда суд ушбу қоидадан четга чиқиб, иш юзасидан ҳал қилув қарори чиқармасдан иш юритишни тугатишга ҳам ҳаққи бўлади. Фуқаролик процессуал қонунчилик процессни ушбу тартибда тугатишнинг қуйидаги икки шаклини назарда тулади:

- иш юритишни тугатиш;
- аризани кўрмасдан қолдириш.

Иш юритишни тугатиш — даъвогар (аризачи)нинг судга даъво тақдим этиш ҳуқуқи мавжуд бўлмаган ёки низонинг барҳам топиши эвазига турдош талаб билан судга қайта мурожаат қилиш ҳуқуқидан маҳрум қилинадиган ишни суд ҳал қилув қарори чиқармасдан тугатишнинг бир шакли ҳисобланади.

Иш юритишни тугатиш ўз асослари, тартиби ва ҳуқуқий оқибатлари билан аризани кўрмасдан қолдиришдан фарқланади. Масалан, ишнинг судга тааллуқли бўлмаслиги иш юритишни тугатишга асос бўлади ва судга тааллуқли бўлмаган иш бўйича такоран ўша судга мурожаат қилиш мумкин эмас. Аризани кўрмасдан қолдиришга эса унга асос бўлган ҳолатлар бартаф этилганидан кейин манфаатдор шахс судга ариза билан яна умумий тартибда мурожаат қилишга ҳаққи бўлади.

ФПКнинг 100-моддасига кўра, суд қуйидаги ҳолатларда иш юритишни тугатади:

- 1) иш судга тааллуқли бўлмаса;
- 2) айна бир тарафлар ўртасидаги, айна бир предмет тўғрисидаги ва айна бир асослар бўйича чиққан низо юзасидан суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ёки даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечишни қабул қилиш тўғрисидаги ёхуд тарафларнинг келишув битими тасдиқлаш тўғрисидаги ажрим мавжуд бўлса;
- 3) даъвогар арз қилган талабларидан воз кечган ва суд бу воз кечишни қабул қилган бўлса;
- 4) тарафлар келишув битими тузган бўлсалар ва у суд томонидан тасдиқланган бўлса;
- 5) ишни судга кўришга тайёрлаш вақтида жавобгар даъвогарнинг талабларини тан олган бўлса ва бу тан олиш судья томонидан қабул қилинган бўлса;
- 6) тарафлар ўртасида ушбу низо иш ҳал қилиш учун ҳақамлик судга топшириш ҳақида ҳақамлик битими тузилган бўлса;
- 7) иш бўйича тарафлардан бири бўлган фуқаронинг вафотидан сўнг низоли ҳуқуқий муносабат ҳуқуқий ворисликка йўл қўйма-са.

Иш юритиш суднинг ажримига биноан тугатилади. Агар иш юритиш ишнинг судга тааллуқли бўлмаганлиги сабабли тугатилса, суд аризачи қайси органга мурожаат қилиш кераклигини кўрсатиши шарт бўлади. Иш юритиш тугатилган тақдирда, айна бир тарафлар ўртасидаги, айна бир предмет тўғрисидаги ва айна бир асослар бўйича низо юзасидан судга иккинчи марта мурожаат қилишга йўл қўйилмайди.

Зеро, судьялар иш ҳажмининг кўпчилиги фуқаролик ишлари бўйича чиқарилаётган суд ҳал қилув қарорининг сифатига ўз таъсирини кўрсатаётган бир вақтда иш юритишнинг тугатиш асосларини қўллаш орқали ҳар иккала тараф учун ҳам мақбул бўлган қарорни қабул қилиш (шу ўринда тарафларнинг келишув битими тасдиқлаш орқали иш юритишни тугатиш назарда тутилмоқда) мумкин аҳамият касб этади.

Маълумотларга қараганда, 2015 йилда фуқаролик ишлари бўйича барча судларда жами тамомланган 260732 та ишдан 15074 таси, яъни 5,7 фоизи бўйича иш юритиш тугатилган. 2014 йилда эса фуқаролик ишлари бўйича барча судларда жами тамомланган 217147 та ишдан 14721 таси, яъни 6,8 фоизи бўйича иш юритиш тугатилган. Кўриб турганимиздек, йилдан-йилга судларда жами тамомланган ишларнинг сони ортиб бора-да, тугатилган ишларнинг фоизи камайиб бормоқда. Иш юритишни тугатишнинг ФПКнинг 100-моддасига 7 та асоси мавжудлигини ҳисобга олганда судларда иш юритишни тугатиш кўрсаткичи юқори даражада эмас. Бу эса суд амалиёти-

да иш юритишни тугатиш асосларига алоҳида эътибор бериш лозимлигини, иш юритишни тугатиш асослари, шакллари, тартиби ва ҳуқуқий оқибатларига оид қонунчилик нормаларини такомиллаштириш ҳозирги кунда долзарб аҳамият касб этишини кўрсатади.

Суд ҳал қилув қарорини чиқармасдан туриб иш юритишни тугатиш шакллари, нафақат биринчи инстанция судида, балки фуқаролик ишларининг апелляция, кассация ва назорат тартибда қўрилишида ҳам қўлланилиши мумкин. Шунингдек, иш юритишни тугатиш асослари, нафақат даъво тартибда юритилаётган ишларда, балки алоҳида тартибда иш юритиш, давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят ва аризалар бўйича иш юритишга ҳам қўлланилиши мумкин.

Иш юритишни тугатишга нафақат ишни судга муҳокама қилиш жараёнида, балки ишни судга кўришга тайёрлаш босқичида ҳам йўл қўйилади. Ишни судга кўришга тайёрлаш вақтида иш юритишни тугатиш учун мумкин бўлган шарт, яъни жавобгар ишни судга кўришга тайёрлаш вақтида даъвогарнинг талабларини тан олган бўлса ва бу тан олиш судья томонидан қабул қилинган бўлсагина йўл қўйилади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги "Фуқаролик процессуал қонун ҳужжатлари айрим нормаларининг судлар томонидан қўлланилиши ҳақида"ги Қарори 7-бандида тушунтириш берилишича, жавобгар арз қилинган талабларни судга иш кўришга тайёрлаш вақтида иш юритишни тугатишга асос бўла олмайдди. Суд тан олишни қабул қилса, арз қилинган талабларни қаноатлантириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарилади.

Шу ўринда бир мисол келтирамиз. С. етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш ҳақида К.га нисбатан даъво аризаси билан судга мурожаат қилган. Суднинг ажрими билан жавобгар арз қилинган талабларини тан олганлиги сабабли иш юритиш тугатилган. Фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди раёсати суд ажримини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборган. Аниқланишича, С. чет давлатдан К.га тегишли бўлган ҳаракатларни тўлиқ тўлашга розилиги баён қилинган аризани тақдим қилган. Бундай ҳолатда суд арз қилинган талабларни қаноатлантириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқариш лозим бўлса-да, ФПКнинг 180-моддаси талабларига зид равишда иш юритишни тугатиш ҳақида ажрим чиқарган.

ФПКнинг 100-моддаси 2-бандида айна бир тарафлар ўртасидаги, айна бир предмет тўғрисидаги ва айна бир асослар бўйича чиққан низо юзасидан суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ёки даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечишни қабул қилиш тўғрисидаги ёхуд тарафларнинг келишув битими тасдиқлаш тўғрисидаги ажрим мавжуд бўлса, иш юритиш тугатилиши белгиланган. Бироқ ушбу нормани суд амалиётида нотўғри талқин қилиш ҳолатлари ҳам кузатишмоқда. Зеро, тарафлар ва даъвонинг асоси бошқа-бошқа бўлганда, айна бир предмет тўғрисида чиққан низо юзасидан суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори мавжудлиги иш юритишни тугатишга асос бўла

олмайди. Шу ўринда қуйидаги мисолни келтирамиз.

Т. уй-жой олди-сотди шартномасини ҳақиқий ҳал топиш ҳақида Б.га нисбатан даъво билан судга мурожаат қилган. Суд ФПК 100-моддасининг 2-бандига мувофиқ иш юритишни тугатган. Фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди раёсати қуйидаги асослар кўра суд ажримини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборган. Суд низо предмети юзасидан туманлараро суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори мавжудлигини иш юритишдан тугатиш учун асос қилиб олган. Аниқланишича, муқаддам низолаштирилган турар жойнинг кимга тегишлилиги масаласи бўйича чиққан низо судга кўрилиб, низонинг предмети бўлган уй учун берилган қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома ҳақиқий эмас деб топилган. ФПКнинг 100-моддаси 2-бандига мувофиқ, айна бир тарафлар ўртасидаги, айна бир предмет тўғрисидаги ва айна бир асослар бўйича чиққан низо юзасидан суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори мавжуд бўлса, суд иш юритишни тугатади. Мазкур қонун нормаси мазмунига кўра, қайд этилган учала ҳолатнинг барчаси бир вақтинчалик ўзида мавжуд бўлганда иш юритиш тугатилади, ушбу ҳолатларнинг биронтаси бўлмаганда эса иш юритишни тугатишга йўл қўйилмайди. Бу ҳолда биринчи инстанция суди фуқаролик иши бўйича тарафлар ва даъвонинг асоси бошқа-бошқа бўлгани сабабли низоли уй олди-сотди шартномасини ҳақиқий ҳал топиш тўғрисидаги даъво мазмуни ҳал қилиши лозим эди.

ФПКнинг 100-моддасида назарда тутилган иш юритишни тугатиш асосларини унинг юзга келиш шартлари ва оқибатларига қараб, қуйидаги икки ғурӯҳга ажратиш мумкин:

- тарафларнинг хоҳишига биноан иш юритишни тугатиш;
 - тарафларнинг хоҳишига боғлиқ бўлмаган ҳолатда иш юритишни тугатиш.
- Тарафларнинг хоҳишига биноан иш юритишни тугатиш асослари қуйидагиларда намоён бўлади:
- даъвогар арз қилган талабларидан воз кечган ва суд бу воз кечишни қабул қилган бўлса;
 - тарафлар келишув битими тузган бўлсалар ва у суд томонидан тасдиқланган бўлса;
 - ишни судга кўришга тайёрлаш вақтида жавобгар даъвогарнинг талабларини тан олган бўлса ва бу тан олиш судья томонидан қабул қилинган бўлса.

Мазкур ҳолатлар фуқаролик иши кўзгалтирилганда сўнг тарафларнинг ҳаракатлари натижасида сўз беради.

Тарафларнинг хоҳишига боғлиқ бўлмаган ҳолатда иш юритишни тугатиш асосан манфаатдор шахсларнинг судга мурожаат қилиш ҳуқуқининг мавжуд эмаслигида намоён бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- иш судга тааллуқли бўлмаса;
- айна бир тарафлар ўртасидаги, айна бир предмет тўғрисидаги ва айна бир асослар бўйича чиққан низо юзасидан суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ёки даъвогарнинг арз қилган талабларидан воз кечишни қабул қилиш тўғрисидаги ёхуд тарафларнинг келишув битими тасдиқлаш тўғрисидаги ажрим мавжуд бўлса;
- тарафлар ўртасида ушбу низо иш ҳал қилиш учун ҳақамлик судга топшириш ҳақида ҳақамлик битими тузилган бўлса.

Манфаатдор шахслар томонидан тақдим этилган бу каби аризаларнинг суднинг иш юритишга қабул қилинишига судьянинг хатоси билан йўл қўйилади. Чунки, юқоридаги ҳолатлар фуқаролик ишини қўзғатиш босқичида аниқланганда эди, суд ушбу аризани ФПКнинг 152-моддаси асосида қабул қилишни рад этар эди.

Мазкур ғурӯҳда мансуб бўлган яна бир асос, бу ФПКнинг 100-моддаси 7-бандида ўз ифодасини топан бўлиб, унга кўра иш бўйича тарафлардан бири бўлган фуқаронинг вафотидан сўнг низоли ҳуқуқий муносабат ҳуқуқий ворисликка йўл қўймаса иш юритилиши тугатилади. Ушбу ҳолат суд-

Музаффаржон МАМАСИДДИКОВ,
юридик фанлар доктори, профессор

нинг ҳам, тарафларнинг ҳам ихтиёрига боғлиқ бўлмайди.

Тарафларнинг хоҳишига биноан иш юритишни тугатиш асослари ичда энг кўп тарқалган кўриниши бу — тарафлар келишув битими тузган бўлиб, унинг суд томонидан тасдиқланган бўлишидир.

Қайд этиш керакики, келишув битими судлар томонидан фуқаролик ишларини кўриб ҳал этишнинг самарали усулидирдан бири сифатида алоҳида аҳамият касб этади. Чунки, тарафларнинг иш бўйича келишув битими тузишга эришиши суд қарорлари устидан турли шикоят-аризаларнинг берилишини камайтиради. Бу эса ўз-ўзидан низоларнинг кейинги босқичда кўрилишининг олдини олади. Фуқаролик процессида тарафлар келиштириш ва келишув битимига эришиш — муайян бир фуқаролик ишлари бўйича иш юритиш тугатилишининг аъло даражадаги натижаси ҳисобланади.

Келишув битимини тасдиқлаш ва иш юритишни тугатиш ҳақидаги ажрим алоҳида процессуал ҳужжат сифатида чиқарилади. Чунки, ушбу ажримлар орқали мураккаб масалалар ҳал қилинади ва улар устидан шикоят қилиниши мумкин.

Маълумки, фуқаролик процессида, айниқса, ишни судга кўришга тайёрлаш босқичида судья тарафларни муросага келтириш чораларини кўради. Тарафларнинг келишув битими тузиш ҳуқуқи ФПКнинг 159-моддаси учинчи қисмида белгиланган. Келишув битимининг ҳолати шундаки, томонлар ўзаро муроса йўли билан низо ҳал этилишига эришадилар ва бу билан иш юритишни тугатишга асос яратадилар. ФПКнинг 180-моддасига мувофиқ, келишув битими томонлар ўртасида тузилади, суд муҳокамаси босқичида суд томонидан тасдиқланади. Бироқ ишни судга кўришга тайёрлаш вақтида судья томонларга уларнинг келишув битими тузиш ҳуқуқини тушунтириш лозим.

Германия фуқаролик процессида тарафлар ўртасида келишув битимининг тузилиши орқали иш юритишни тугатишга эришишга алоҳида эътибор берилади. Фуқаролик процессуал қонунчилик айрим тоифадаги низолар, хусусан, меҳнат низолари бўйича суд музокаралари бошлангунга қалар, албатта тарафларни яраштириш чораларини кўриш мақсадлида мажбурий босқич — келиштирув босқичини белгилайди. Таҳлилларга қараганда, Германияда қарийб 80 фоиз меҳнат низолари келиштирув босқичида кўрилади. Уларнинг 20 фоизигина кейинчалик судга мазмуни кўриш учун юборилади. Германия қонунчилик тажрибаси шуну кўрсатадики, агар тарафлар биринчи инстанция судида ўзаро келишув битими тузишга келишб олсалар ва ушбу келишув суд музокараларига қалар амалга оширилган бўлса, у ҳолда тарафлардан суд ҳаракатлари ундирилмайди, меҳнат ишлари бўйича ўлка ва федерал судларда эса суд ҳаракатларининг ярми ундирилади. Франция ихтисослашган судларининг келишув бўлимида ҳар иккала томонда тарафларнинг адвокатлари иштирок этиб, ҳар иккиси ишни келишув асосида тугатишга қаратилган процессуал ҳаракатларни амалга ошириш эътиборга олинади.

Хулоса ўринда шуну алоҳида таъкидлаш керакики, суд арз қилинган талабни мазмуни кўриш билан бир қаторда ҳуқуқий низоли ўзаро ҳал этиш юзасидан тарафлар билдирган хоҳиш-истак асосида ёки ишни мазмуни кўришга тўғривлик қилинадиган объектив ҳолатларни аниқлаш асосида иш юритишни тугатилади. Иш юритишни тугатиш асослари назарда тутилган қонунчилик нормаларини судлар томонидан тўғри ва бир хилда қўллаш манфаатдор шахсларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг ҳимоя қилинишини кафолатлашга хизмат қилади. Шунингдек, турли иш овозгарчиликлар ва ортиқча суд ҳаракатлари сарфланишининг олдини олади, судьяларнинг иш юктамаларини камайтириш имкони яратилади.

Кечки салқин. Беш-олти нафар йигитлар 20 тонналик "фура" — музлатгичли юк машинасига сўнгги яшиқларни ортишмоқда эди.

— Асл боғбон экансиз отахон, — деди "элберт" навли шафтолини улгуржи харид қилиб, танлаб-танлаб уздириб олган тайёрлов корхонаси раҳбари сўрига ўтираётди. — Роса, етилибди. Биздан кейин ҳам йигирма-ўттиз тоннадан кам чиқмайди.

— Мева йили бўлди бу йил, — деди отахон. — Ўтган баҳорда совуқ урганди. Бу йил астойдил парвариш қилган боғбон борки, кам бўлмади. Шукр, ўтган мавсумнинг ҳам ҳиссасини чиқариб оляпмиз.

"Дамас" енгил машинасини миниб келган йигит озги-қулотида суюнчилади.

— Набира қулук бўлсин, дада.

аввал колхоз даласида, кейинчалик боғлар қилинган, мева-узум совхозида ишлаганлар. Урушнинг сўнгги йили дадам раҳматли урушга кетган. Беш йилдан кейин армиядан қайтган, совхозда қариб элли йил ишлаб, нафақага чиққан. Уч ўғил ака-укалар болалигимиздан мактабдаги ўқшдан кейин дадамнинг ёнида кетмон кўтариб, даракларнинг тагини чоғиб, буташига, сўғоришига қарашиб, улгайдик. Боғда шунча ишлади, биримиз икки бўлмади. Боиси, ишчилар фа-



Шукрона



— Қулук, қизми, ўғил?
— Қиз кўрдик. Исмлар китобини varaқлаб, ўзимга маъқулини танладим.

— Ўғлим, мен бурунроқ танлаганман. Ўғил неварга кўрсам, Шукрубек, қиз бўлса, Шукрона дея, яхши ният қилиб кўйганман.

— Сиз нима десангиз, шу, — деди йигит. — Бўпти, мен яна хабар олай-чи.

— Қулук бўлсин, исмниям ажойибини топибсиз, отахон, — деди тайёрлов корхонаси раҳбари. — Ҳам чиройли, ҳам маъноли, ҳам ҳикматли.

— Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор, — отахон пиёлада чой узатди. — Бобомизни кўрмаганмиз. "Қулоқ" деб қамашган, қамоқхонада вафот этган экан. Айби, ўзига тўқ дехқон, ери, мол-ҳоли бор экан. Бор-йўғини колхозга олиб қўйиб, камига "қулоқ" қилишганикан. Бувим бир ўғли — дадам, бир қизи — аммам билан шаҳарга яқин шу қишлоққа келиб қолишган. Бувим умр бўйи

қат ойлик мош билан тирикчилик қилишган. У пайтда ҳозирга ўхшаб бутун бошли гектар-гактар боғни тасарруф қилиш қаёқда. Ҳамма ҳосилни топширар эди. Ишчилардан биттаси уч-тўрт яшиқ қолган-қўтган мевани уйига олиб бориб қўйгани учун боши галвадан чиқмагани эсимда. Дадам мен ўқимадим, сен ўқигин, деб уқтирган. Институтга, агрономликка ҳужжат топшириб, имтиҳондан йиқилдим. Шофёрликка ўқидим. Армияга бориб келгач, совхозда юк машинаси ҳайдадим. Прицепли трактор миндим. Уйландим. Уч ака-ука оиласи билан олти сотихли тор ота ҳовлида яшадик. Овсинлар чиққаша олмай, гоҳида можаро ака-укаларнинг ёқалашигача бориб етарди. Алоҳида бўлиб чиқай десаам, уй-жой қуришга умуман ер берилмасди. Ахйир бўлмади, оилам билан шаҳардан ижара уй олиб чиқиб кетдим. Заводга ишга кирдим. Ҳайдовчилик қилиб юриб, квартаира олишга нав-

батга ёзилдим. Навбатим ҳалибери келмасди. Ун йилда еттига жойга кўчдим. Бировларнинг уйларида оилам — икки кўйдик, деди. Хашар қилиб, икки хонасини битказиб, кўчиб олдим. Ниҳоят, истиқлол шарофати билан ўттиз беш ёшимда уйли-жойли бўлдим.

Саксонинчи йилларнинг охири, кийим-кечак дейсизми, рўзгор буюмларими, талаш, дўконларнинг пештахталари бўшаб қолди. Кейинчалик эса ҳамма нарса тақчил бўла бош-



лади, саккиз хил озиқ-овқатни киши бошига меъёрланган ҳолда навбатда туриб олганмиз. Хайриятки, истиқлолнинг дастлабки йиллариёқ давлатимиз томонидан барчаси жой-жойга қўйилди. Энг асосийси, ёш мустакил давлат кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимояга олди. Томорқа ва уй-жой қуриш учун ер ажратиб берилганини айтмайсизми? Бир кунни раҳматли дадам ча-

Исроил ИБРОҲИМОВ,
«Нуқуқ»

қиртирди. Сенгаям ер олиб кўйдик, деди. Хашар қилиб, икки хонасини битказиб, кўчиб олдим. Ниҳоят, истиқлол шарофати билан ўттиз беш ёшимда уйли-жойли бўлдим.

Давлатимиз мустакилликка эришган дастлабки йиллари ҳеч кимга осон бўлгани йўқ. Марказга техника-ю жорий ва мукамал таъмирлаш учун зарур бутловчи қисмлар билан

қиртирди. Сенгаям ер олиб кўйдик, деди. Хашар қилиб, икки хонасини битказиб, кўчиб олдим. Ниҳоят, истиқлол шарофати билан ўттиз беш ёшимда уйли-жойли бўлдим.

— Ҳа, отахон, шаҳар-қишлоқларимиз, турмушимиз обод бўлиб борапти. Илгари чет элдан келтирилган маҳсулотлар ҳозир ўзимизда ишлаб чиқарилапти. Ҳатто хорижга ҳам экспорт қилинапти. Дону мева-сабзавот ерлари кўпайтирилгани айна муддао бўлди. Дон ўзимизга етиб ортапти. Сархил узум-у меваларимиз хорижда харидорғир. Хорижга экспорт тобора кўпайпти, сиз каби дехқон-у боғбон барака топапти.

— Тўнғич ўғлим боғнинг пулидан орттириб, ўзимизда ишлаб чиқарилаётган "МАН" юк машинасини сотиб олди. Кенжа ҳам "Дамас" ли бўлди. Ака-укалар гапни бир жойга қўйиб, консерва цехи очиб тарадудда. Мен шукрона айтмай, ким айтсин! Отахоннинг айтганини бажо келтиришди. Тўққизинчи наби-расининг исмини Шукрона деб қўйишди.

ИСТИҚЛОЛ ВА ИСТИҚБОЛ ОДИМЛАРИ

Эрк ва ҳурлик эпкини бутун юртдошларимиз каби ҳўшманзара табиати, баҳаво ва сўлим гўшалари, муқаддас қадимжолари, танти ва меҳнаткаш, ҳар соҳада соҳибкор-у бунёдкор одамлари билан доврўқчи Чортоқ аҳлига ҳам яратувчанлик бағишлади.

Бугун туманда фаолият юритаётган 55 та умумтаълим мактабининг барчаси бири-биридан кўркам ва шинам, замонавий шарт-шароитлар, ўқув, фан ва лаборатория хоналарига эга. Эътиборли жиҳати, уларнинг бири давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактабидир.

Ёшлар истиқболли ҳақида гап кетганда, янги даврга хош ислохотлар самараси сифатида бутун юртимизда бўлганидек, Чортоқда ҳам мустакиллик йилларида ёшларга илм-фан ва касб-хўнар сирларини мукамал ўргатадиган 9 та касб-хўнар коллежи ва 1 та академик лицей ташкил этилганини таъкидлаш жоиз.

Ўтган йиллар мобайнида мазкур

даргоҳларни тамомлаган ёшлар етук мутахассислар сифатида турли жаҳаларда фаолият юритмоқдалар. Улар орасида олимлар, шифокорлар, ўқитувчилар, муҳандислар, ижодкорлар, умуман, барча касб эгалари бор. Биргина мисол: Чортоқ спорт коллежини тамомлаган ақсарият ёшлар чемпионолар сифатида дунё ареналарида юртимиз байроғини баланд кўтармоқдалар. Ёки НамДУ қошидаги 3-сонли академик лицей нафақат туманда, балки бутун вилоятимизда барча соҳалардаги кўрсаткичлар бўйича энг намуналий илм масканлари қаторида саналади. Узоққа бормаёлик, биргина ўтган 2015 ўқув йилида мазкур академик лицейни 244 нафар ўқувчи битирган бўлса, уларнинг ўндан зиёди синовлардан муваффақиятли ўтиб, Жанубий

Корея, Англия, Россия каби давлатлардаги нуфузли олий ўқув юрталари талабалари бўлишди. Бир сўз билан айтганда, мазкур таълим муассасасини тамомлаган ўттиз нафардан зиёд ёшлар ҳозирда жаҳоннинг энг ривожланган давлатларидаги университет ва институтларда билим олмақда.

Туман тиббиёт бирлашмасининг барча бўлимлари ҳамда ҳудудий шифохоналари истиқлол йилларида янгича қиёфа ва замонавийлик касб этди. Уларда "Саломатлик-1", "Саломатлик-2", "Саломатлик-3" дастурлари асосида тиббий хизмат кўрсатиш сифати тобора тақомиллаштириб борилмоқда.


Бунёдкорлик ҳақида гап кетганда, истиқлол йилларида қад рўстлаган ва кенг қўлмадаги реконструкция ишлари натижасида Чортоқ қиёфасига кўркамлик бахш этиш баробарида туман аҳлига бекиёс қулайликлар яратган туман марказий поликлиникаси биноси, мудофаа ишлари бўлими биноси, Мўчум, Ойқирон, Короскон ша-

Равшанбек АБДУЛЛАЕВ,
Чортоқ туман прокурори

харчалари, Чортоқ шаҳри ва турли қишлоқларда бунёд этилган намунавий турар жойларни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Истиқлолимизнинг 25 йилги байрами нишонланадиган жорий йилда бу борадаги бунёдкорликлар тобора кенг қамров касб этмоқда. Юртимиз истиқболли йўлида ўзининг ғайрат-шижоати, юксак иқтидори ва қобилияти, яратувчанлиги билан фаол иштирок этаётган ёш оилаларга тақдим этилган 32 хонадондан иборат "Қамолот" уйи шулар жумласидандир.

Истиқлол туғфа этаётган бундай бекиёс имкониятлар барча чортоқликларни, Чортоқ фарзандларини юксак марраларни, ютуқ ва муваффақият поғоналарини забот этишга ундамоқда.



Инсон ва унинг ҳаёти қадимдан инсониятнинг диққат марказида турган асосий масала бўлиб келган. Барча қулайликлар ҳам аслида инсон манфаатини кўзлаб яратилган. Бироқ XXI аср инсон учун жуда кўп салбий унсурларни олиб келди. Терроризм, гиёҳвандлик, фоҳишабозлик муаммолари, миссионерлар найранглари шундай иллатлар жумласидандир. Тез ва осон йўлар билан бойлик орттиришга интилган, мол-давлатга ҳирс қўйган кимса ҳаётнинг нопок йўлларида юришга одатланиб қолади ва охир-оқибат жиноят содир этади. Шу маънода одам савдосини ҳам энг асосий трансмиллий жиноятлар қаторига киритиш мумкин.

Трансмиллий жиноят

Маълумотларга қараганда, жаҳон иқтисодининг ривожланиши, транспорт тараққиёти, маҳаллий ва давлатларaro миграция жараёни одам савдоси билан шуғулланувчиларнинг фаолияти авж олишига сабаб бўлди. XX асрнинг 80-90 йилларига келиб уюшган трансмиллий жиноят сифатида одам савдоси дунё микёсда долзарб муаммолардан бирига айланган. Бугун ушбу жирканч иллат қарши курашиш барчанинг биринчи галдаги вазифасига айланган десак, муболага бўлмайди.

БМТ экспертларининг фикрига қўра, жиний ташкилотларнинг ҳар йили одам савдосидан олаётган даромадлари 32 млрд. АҚШ долларидан ошмоқда.

Расмий маълумотларга қараганда, одам савдосидан жабрланганларнинг 80 фоизини аёллар ва болалар ташкил қилади. Хавфсизлигимизга таҳдид солаётган терроризм, одам савдоси ва бошқа трансмиллий жиноятларга қарши муросасиз курашишимиз, доимо оғоҳ ва ҳушёр бўлишимиз лозим. Юртимизда ҳам фуқароларнинг ушбу иллат таъсирига туриб қолмаслиги, ушбу жиноятлардан жабр қиришларининг олдини олиш борасида кенг қўламли ишлар олиб боришмоқда.

Эътироф этиш ҳозирки, айрим фуқароларимизнинг ишонувчанлиги, ўз ҳуқуқларини тўлиқ билмаслиги, тез ва осон йўлар билан бойлик кетиш истагининг кучлилиги, гиёҳвандликка ружу қўйиши, оиладаги салбий муҳит, оналар томонидан фарзандларга берилаётган тарбиянинг етарли эмаслиги, назоратсизлик, ахлоқсизлик ҳамда уюшган жиний гуруҳлар таъсирига туриб қолиш оқибатида ушбу жиноятлар содир этилмоқда. Одам савдоси билан шуғулланувчилар учун ушбу жиноят курол-яроғ ёки гиёҳвандлик воситалари савдосига нисбатан анча сердаромад ва хавфсиз ҳисобланади.

Маълумки, бундай жиний гуруҳ аъзолари "сайёҳлик" ва бошқа ниқоблар остида Ўзбекистон Республикаси фуқароларини, асосан, хотин-қизларни шахвоний хизмат кўрсатиши, эркакларни мажбурий меҳнат учун қўлиб сотиб юбориш эвазига катта миқдорда моддий даромад олишга ҳаракат қилдилар.

Бугунги кунда халқаро микёсда барчани ўйлантираётган муаммолардан бири, шубҳасиз, одам савдоси жинояти ва унинг оқибатларидир. Таҳлиллар шунини кўрсатмоқдаки, ушбу жиноятга қарши самарали кураш олиб борилмас экан, хавфнинг қўлами янада кенгайиб бораверади. Халқаро қонунчиликка эътибор берадиган бўлсак, дастлаб 1949 йил 2 декабрда БМТ томонидан "Одамлар савдоси ва фоҳишабозликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида"ги Конвенция қабул қилинди. Хусусан, БМТнинг 2000 йилда қабул қилинган "Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида"ги Конвенциясини тўлдирувчи "Одам савдосининг, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ва унга чек қўйиш ҳамда унинг учун жазолаш тўғрисида"

Жасурбек САТТАРОВ,
Бош прокуратура бўлим прокурори

ги қўшимча баённомасида "одам савдоси" тушунчаси илк бор ўзининг расмий изоҳига эга бўлган эди. Мазкур баённомага биноан, "одам савдоси" эксплуатация қилиш мақсадида одамларни куч ишлатиш ёки бошқа мажбурият чораларини қўллаб ёхуд ўғирлаб, фирибгарлик йўли билан, шунингдек, алдаш, давлат ваколатларини, тугган мавқеини суистеъмол қилган ҳолда бир шахснинг назоратидаги бошқа бир шахсни сотиб олиш йўли билан уларни ёллаш, ўтказиш, ташиш, сақлаш, мажбурий меҳнат ёки хизматлар, қўллик ёки қўлдорликка ўхшаш одатлар, тобелик ҳолати, инсон аъзоларининг сугўриш олинишидан иборатдир.

Сир эмас, одам савдосининг глобал бизнес турига айланишида халқаро жиний гуруҳларнинг ушбу фаолиятни даромад манбаига айлантириб олгани асосий омил бўлмоқда. Гарчи бу фаолият жиний даромад манбаи сифатида гиёҳванд моддалар ва ноқонуний курол-яроғ савдосидан кейинги ўринда турса-да, ундан олинаётган ноқонуний фойда тобора ўсиб бормоқда. Бундай бизнес фақат сўнгги ўн йилликда шундай катта ҳажмда ривожланиди, кузатиш ва таҳлиллар бу ҳодиса тез орада инсониятнинг биринчи даражаги муаммосига айланишини кўрсатмоқда. БМТ тақдим этган маълумотларга қўра, ҳозир дунёда 28 миллион одам қўллик исканжасида. Бу рақам кун сайин ўсиб бормоқда.

Қўллик балоси нафақат тараққий этаётган мамлакатларда, балки АҚШ ва Европа каби ривожланган ҳудудларда ҳам тез илдири отмоқда. Хусусан, халқаро ташкилотлар Европанинг Нидерландия, Бельгия каби давлатларида бошқа ҳудудларга нисбатан аёлларнинг жиний қўлликка маҳкум қилиниши кўпроқ учрашини маълум қилган. Бу борада Голландиядаги ахвол, айниқса, жиддий. Бу ерда "қўнжа касб вакиллари" алоҳида рўйхатга олинми, доимий назоратда бўлсалар-да, бироқ бу ушбу давлатнинг глобал одам савдоси марказларидан бири бўлиб қолишига тўсқинлик қилолмапти.

Маълумотларга қўра, ҳозирда одам савдоси Хиндистон, Непал, Судан, Бирлашган Араб Амирликлари, Хиндистон, Гаити каби давлатларда айниқса, илдири отган. Ушбу давлатларда илдири отган коррупция ва тамағирлик замонавий қўллик савдосининг кенг ёйилишига олиб келмоқда. Ҳатто муайян гуруҳнинг бошқаси устидан ҳукмронлик қилиш аниқланиши ханузгача сақланиб қолган. Жанубий Осиё давлатларида эса қарз эвазига одамларни қўлга айлантириш ва мажбурий ишлаб бериш каби эскича одатлар ҳалигача мавжуд.

Ҳозирда қўллаб халқаро конвенциялар қабул қилиниб, ҳар бир давлат қонунчилигида одам савдосига қарши кураш бўйича тегишли нормалар шакллантирилаётган бўлишига қарамай, жуда кам ҳолларда умумэтироф этган халқаро ҳужжатларга амал қилинапти.

Коррупцияга қарши дадил қадам

Маълумки, коррупция ҳар қандай давлат ва жамият ҳаётига салбий таъсир кўрсатиб, ўша мамлакат ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий функцияларининг талаб даражасида бажарилишига монелик қилади.

Шухрат КАРИМОВ,
Сирдарё вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари

Республикамизда мазкур иллатнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, уларни бартараф этиш ҳамда олдини олиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилиб, бу каби жиноятчиликка нисбатан катий чоралар қўрилмоқда. Бу жараёнда юртдошларимиздан хушёрлик, оғоҳлик ва жиддий масъулият талаб этилади.

2014 йил 14 майда Юртбошимиз томонидан "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз қонуний йўқотган деб топиш тўғрисида"ги Қонун имзоланди. Мазкур қонунни мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш борасида ташланган дадил қадамлардан бири сифатида баҳолаш мумкин. Ушбу қонунга мувофиқ амалдаги Жиноят кодексининг 211- ва 212-моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, 211-модданинг 3-қисмига киритилган қўшимчага биноан "Башарти, шахсга нисбатан пора сўраб товланмачилик қилинган бўлса ва ушбу шахс жиний ҳаракатлар содир этилганидан кейин бу ҳақда ўттиз сутка мобайнида ўз ихтиёри билан арз қилса, чин қўнғилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, у жавобгарликдан озод этилади". Шунингдек, 212-модданинг 3-қисмига киритилган қўшимчага асосан "Башарти, пора олиш-беришда воситачилик қилган шахс жиний ҳаракатларни содир этганидан кейин бу ҳақда ўттиз сутка мобайнида ўз ихтиёри билан арз қилса, чин қўнғилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, жавобгарликдан озод қилинади". Яъни пора берган ва пора олиш-беришда воситачилик қилган шахснинг ўз айбига иқдор бўлиб хабар бериши ушбу оғир жиноятга барҳам беришга хизмат қилади.

Мамлакатимизда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва ҳуқуқий ҳимоя қилишининг ишончли норматив базаси ва кафолатлари яратилди. Сўнгги йилларда ушбу йўналишга эътибор янада ортаётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Чунинчи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 июлда "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони имзоланди.

Фармоннинг 3-бандида прокуратура органлари зиммасига ҳам бир қатор масъулият вазифалар юклатилди. Хусусан, тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатлари тўғрисидаги қонунчилик ижроси устидан назоратни кучайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузганлик учун

ваколатли органлар мансабдор шахсларининг муқаррар жавобгарлигини жиний жавобгарликка тортишга қадар оширишни таъминлаш қайд этилди.

Бош прокуратура томонидан коррупцияга қарши курашиш соҳасида "1007" ишонч телефонларидан фойдаланиш кенг йўлга қўйилган.

Ҳар бир фуқаро ва юридик шахс "ишонч телефонлари" орқали уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаши, ҳар қандай коррупция қўрилишидаги ҳолатлар, мансабдор шахслар томонидан тамағирлик қилиш мақсадида ёки бошқа манфаатларни кўзлаган ҳолда тадбиркорларнинг фаолиятга ноқонуний аралашши ва тўсқинлик қилиш ҳолатлари ҳамда бошқа ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар тўғрисида мурожаат қилишлари мумкин.

Ушбу мурожаатлар прокуратура органларининг ходимлари томонидан қабул қилиниб, "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонунда белгиланган тартибда ва муддатда қўриб чиқиши таъминланмоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, Конституциямизнинг 35-моддасида ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргалликда ваколатли давлат органлари, муассасалари ёки халқ вакилликларига ариза, тақлиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгаллиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Мурожаатда кўрсатилган вахжлар синчковлик билан текширилиб, ундаги вахжлар тасдиқланганда мансабдор ёки бошқа шахсларга нисбатан қонунда белгиланган чора қўрилиши таъминланади.

Давлатимиз раҳбари кўп марта таъкидлаганидек, ҳар қайси мурожаатнинг ортида тирик жон, кимнингдир арзодди, керак бўлса, дарди, айрим амалдорлар томонидан йўл қўйилган адолатсизлик турганини ҳеч қачон унутмаслик лозим. Бу масалалар бўйича биз қанча лоқайд бўлиб юрсак, одамларнинг норозилиги шунча кўпаяди. Шу боис ҳузурига кўмак истаб келган фуқарони қўйнаётган муаммони ўз вақтида қўриб чиқиб ҳал этиш ҳар бир раҳбарнинг асосий бурчи ҳисобланади.

Шунингдек, 2015 йил 20 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун асосида Жиноят кодекси "Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашши билан боғлиқ жиноятлар ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига таъвоуз қиладиган бошқа жиноятлар" деб номланган XII боб билан тўлдирилиб, ушбу бобга янги 11 та модда киритилди.

Хусусан, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш ва молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш тартибини бузиш, тижоратда пора эвазига оғдириб олиш, нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш, нодавлат тижорат ташкилотиде ёки бошқа нодавлат ташкилотиде мансабдор шахслар томонидан ўз ваколатларини суистеъмол қилиш каби қилмишлар учун жавобгарлик белгиланди.



Жанжал

оқибати аянчли тугади

Августнинг иссиқ кунларидан бири, кун пешиндан оғгани. Танхоз соҳиби чаёла чаёла шамош ҳар замонда дарё нафасини олиб келади. Бу ерда чаёла соҳибининг ўғли Ҳусниддин ўртоғи билан гурунглашиб ўтирари.

қамушт бўлиши...

Шу пайт чаёла соҳибни Нурали ака пайдо бўлди-ю, жўжа-хўроздай бир-бирига хезланаётган ўсмирларни ажратишга ҳаракат қила бошлади. Аммо... Қаердандир Жонибекнинг акаси Шаҳобиддин пайдо бўлиб, болаларга насиҳат қилаётган Нурали акага ташланди. Шу атрофда мол боқиб юрган қўшни аёл уни инсофга чақирмоқчи бўлди, аммо уриниши бесамар кетди. Кўзи қонга тўлган Шаҳобиддин қўлидаги таёк билан

Нурали аканинг бошига ура бошлади. Чаёла соҳиб бошини чангаллаганча ўғлининг кўз ўнгида шилқ эйти боқилди-ю, тилдан қолди...

Жанжал бу билан тугамади. Дарё бўйига тракторида етиб келган Нурали аканинг ўғли Акбар пастга отилиб тушиди, ерда чўзилиб ётган отасини кўриб, донг қотиб қолди. Бу пайтда чаёла ёнига одамлар йиғила бошлаган, Шаҳобиддиннинг онаси Зебинисо опа ҳам улар орасида эди. Акбар отасига ёрдам бермоқчи бўлиб, у томонга югурганда, ҳали ҳовури босилмаган Шаҳобиддиннинг калтаги остида қолди...

Калтаклар зарбидан амаллаб қутулган Акбар отасини кўтариб, машинага ётқизди-да, шифохонага шошилди. Аммо

дўхтирларнинг саъй-ҳаракатлари фойда бермади, аёвсиз калтаклар ўз таъсирини кўрсатди. Эртаси кун Нурали аканинг жони узилди... Акбар ҳам касалхонага ётқизилди.

1990 йилда Шаҳрисабз туманида туғилган Шаҳобиддин Суенов ҳеч қаерда ишламагани камлик қилгандек, отаси билан келишмай қолиб, алоҳида яшаб юрган экан.

Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят судида унга оид жиноят иши кўрилди. Болаларнинг оддий жанжалидан бошланган фожиа суд мажлисида бирма-бир таҳлил этилди. Далиллар, гувоҳларнинг кўрсатувлари орқали Нурали Тўраев бош соҳибга Шаҳобиддин томонидан бир неча марта урилган калтак таъсиридан вафот этгани, унинг ўғли Акбар Тўраев оғир тан жароҳати олганлиги ўз исботини топди.

Нуриддин ЛУТФУЛЛАЕВ,
Қашқадарё вилоят
прокуратураси бўлим
катта прокурори

Суд томонидан Шаҳобиддин Суеновга 16 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Фожиа тафсилотини ўқиб, беихтиёр ҳам қуюнасан, ҳам ажабланасан киши.

Наҳотки, бемаъни ғазаб ва жазавани жиловлан шунчалик мушкул бўлса?! Наҳотки, ўсмир болаларнинг оддий мождароси шундай аянчли яқун топса?! Оддий муро-ю мадора билан ўз йўлига тушиб кетаврадиган мажкур ҳолатда шунчаликка бо-ришга зарураат бормиди?!

Ғазабига эрк бериб, ўз қилмиши билан ёш умрини ҳазон қилган Шаҳобиддин панжара ортида тегишли хулоса чиқаради, деган умидламиз.

Поданинг чанги чиқди

У ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра жиноий қилмишини охирига етказмади. Қўрадаги қўйларни кўриб нияти бузилди. Аввалдан тайёргарлик кўрди. Қандай қўлга киритиб, қаёққа олиб бориб пуллашни ўйлаб қўйди. Бир ўзи эллаши ааргумон, шерик керак эди.

Декабрь ойи ўрталарида тасодифан Жўрабойни (жабрланувчи ва гувоҳларнинг исм-фамилияларини ўзгартирилди) учратди. У билан уч ой аввал, тахта бозоридан олди-берди қилаётган танишган эди. Бирга тамадди қилиб, гап орасида бир неча марта "ўтириб чиқганини" кўстириб ўтганди. Тагин ошхонада "юзта-юзта" қилиб ўтиришди.

— Битта кўра бор, — Абдушукур мақсадга ўтди. — Кўрада бир талай қўйлар. Эгаси уйининг эшик-деризаларини зич ёпиб, донг қотиб ухларкан. Қўйларни тинмай маърасаям, эшитмасакан. Хуллас, подани олдимизга солиб ҳайдаб кетаверамиз. Қўй-қўзиларни пуллаб, ўртада арра қиламиз.

— Бўлмади, қўлимдан келмайди, ака, — Жўрабой тайсаллади. — Оч қорним, тинч қулғим...

Орадан бир ойча ўтди. Янги йилнинг йиғирманчи январь кунни кўришиб қолишди. Қува туман марказини четлаб ўтган Фарғона-Андижон автотрассаси бўйидаги ошхонада отамлашиб ўтиришганида Абдушукур яна ўша гапнинг учини чиқарди.

— Хўп қаерда ўша кўра? — Жўрабой ён босгандай бўлди.

— Қува-Марғилон йўлидаги "Қорақум" кишлоғида, — дея Абдушукур "ишининг" тафсилотларини дастурхон қилиб ёзди. — Индинга кечки пайт Куванинг марказида кўришамиз, — деди хайрлашаётди.

22 январь кунни кўришиб, ошхонага киришди. "Мардлик" учун "ярим-та" ни майдалай бошлашди. Жўра-

Адхамжон МАМАТАЛИЕВ,
Қува туман прокурори

бой телефонда ўртоғини чақирди. Шарифжон "Спарк" машинасида туман марказидаги "Файз" ошхонасига етиб келганида улфатлар спиртли ичимлик ичиб ўтиришган эди.

— Бизни "Қорақум" кишлоғига элтиб кўясиз, — деди Жўрабой. — Битта кўрадаги қўйларни эгасига билдирмасдан олиб кетамиз.

Шарифжон уларни кишлоққа кираверишда — катта йўл бўйида тушириб, ортига қайтди. "Туппа-тузук йипит ўғирлик қилса. Ҳалиям кеч эмас, олдини олиш керак". Такси ҳайдовчиси туман ИИБга борди. Манзилга элтиб кўйган икки нафар йўловчининг нияти бузуқлигини айтиб, ариза ёзиб берди. Ҳайдовчи лоқайдлик қилмади, тайёрланаётган жиноий қилмиш ҳақида оғохлантирди.

Таксидан тушиб қолганидан кейин совуқда кайфи таркаган Абдушукур шеригини кўрага бошлади. Икковлон қўйларни кўрадан олиб чиқиб, подани Қува-Марғилон йўлида ҳайдаб боришаётганида ИИБ ходимлари етиб келишди. Жўрабой ўзини тун қарига урди. Қўйлар дала ҳовлисида деқончилик ва чорвачилик билан шуғулланувчи эгаси — Икромжонга топширилди.

Жўрабой гувоҳ сифатида сўроқ қилинди. Негаки, икки кун аввал, туман ИИБга бориб, Абдушукур деган таниши бировнинг кўрасидаги қўйларни ўғирлаб кетишга ундаётгани ҳақида ариза ёзиб берган эди.

Дастлабки терговда ҳам, суд мажлисида ҳам Абдушукур Абдуллаев айбини инкор этишга уринди. Муқаддам ўғирлик жиноятларини содир этти беш мартаба судланган, сўнги бор олти йилу олти ой муддатга озодликдан маҳрум этилиб, ўта хавфли рецидивист деб топилган, жазони тўлиқ ўтаганидан кейин озодликка чиққан А.Абдуллаевнинг 34 кун қўйни ўғирлашга суиқасд қилишдан иборат жиноий қилмиши суд мажлисида гувоҳларнинг кўрсатмалари, далиллар билан исботланди. Суд ҳукми билан унга 8 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Азизу мукаррам қилиб яратилган инсоннинг ҳаёти ҳам муқаддас. Бир инсоннинг вояга етиши учун бир неча ўн йиллар керак, қанча меҳнату заҳмат керак. Бироқ, у турли фожиалар натижасида бир неча сонияда ҳаёт билан вилолашиши мумкин. Инсоннинг бундай фожиалар билан вафот этишига кўпинча унинг яшаш тарзи, нафсига қўллиги ҳам сабаб бўлади.

Фожианинг илдиизи қаерда?

Судда Элёр Жалилов айбига иккорлик билдириб, қўйдагича кўргазма берди:

— Тоғам Н.Абдурахмонов Россияга ишлашга кетиб, ўша ёқда оиласи билан ажрашди. Россиядан келгач, бизнинг уйда яшай бошлади. Шу йил 10 февраль кун тоғамнинг ўғай ўғли Айдер ўзининг таниши билан уйга келишди. Биргаликда овқатланиб, бир шиша ароқ ичдик. Айдер дўконга чиқиб, яна икки шиша ароқ олиб келди. Уни ҳам бирга ичдик. Ҳамма маст бўлди. Айдер билан ўртоғи хайрлашиб, чиқиб кетишди. Кейин тоғам билан яна бир шиша ароқ ичдик. Жуда маст бўлиб қолдик. Шунда тоғам менга "Яна ароқ олиб кел, ичамиз", деди.

Мен эса "Тоға, маст бўлиб қолдик, бўлди бошқа ичмайлик", дедим. Тоғамнинг жаҳли чиқиб, менга бақира бошлади. Ҳақорат қилди, у ўзини бошқаролмайдиган даражада маст эди. Мен ҳам ундан кам эмасдим. Воқеаларни элас-элас эслаймам. Хуллас, иккаламинг жанжаллашиб қолдик. Шунда тоғам юзимга уриб юборди. Жаҳлим чиқди, ёнимда олиб юрадиган пичогимни олиб, унинг дуч келган жойига урардим. Қаерларига урганимни аниқ эслолмайман. Тўс-тўполонни эшитиб, опам ва хиянларим бизни ажратди, опам қўлимдан пичоқни тортиб олди. Агар опам пичоқни тортиб олманида мен тоғамни аниқ ўлдириб қўярдим.

Ғолиб АБДУРАҲМОнов,
Каттақўрғон шаҳар прокурорининг
ўринбосари

Чунки ўзимни тўхта олмасдим. Кейин тоғамни шифохонага олиб кетишди, мен кийимларимни алмаштириб, ортларидан бордим. Дўхтирлар тоғамнинг ҳаётини сақлаб қолишди. Мен кечирим сўрадим, ҳозирги кунда тоғам билан ярашганимиз...

Бу воқеада ҳеч кимни оқлаб бўлмайди. Қонун тили билан эмас, одамгарчилик нуқтаи назаридан бу воқеада ҳамма айбдор. Тоға хияни билан ичкилик ичиб ўтирса, уларга насиҳат қилиш ўрнига яна ароқ олиб келишни буюрса, бу муҳитдан яна нимани кутиш мумкин?! Ароқ кирган даврдан меҳроқибат, ҳурмат-иззат, одамгарчилик узок-лашади. Ўрнини андишасизлик, зўравонлик эгаллайди. Ичкиликбозлик ҳали ҳеч кимга яхшилик олиб келмаган. Ичкиликбозликдан ҳали ҳеч ким барака топмаган, топмайди ҳам. Содир этилаётган жиноятларнинг аксарият қисми ичкилик туфайли эканини барчамиз яхши билимиз, лекин... Хулоса чиқариш эса ҳар кимнинг ўзига ҳавола.

Мастлик касофати

Рустам АЗИМОВ,

Қўштепа туман прокурорининг катта ёрдамчиси

Таъкиллашларча, инсонгаги барча яхши фазилатларни гиёҳвандлик ҳамда ичкилик барбод қиларкан. Жиноятларнинг аксарияти ҳам ушбу иллатлар таъсирида содир этилар экан. Ичкилик одамни виждонидан айириб, ўзини турли боши берк кўчаларга бошлаши барчага аён. Биз қўйида келтириб ўтган воқеа ҳам мана шу иллат ортидан содир этиган.

Одатдаги қулларнинг бирида маст ҳолатда Нодир Қодиров (исм-фамилиялар ўзгартирилган) пойтахтимизнинг Олмазор туманида жойлашган спиртли ичимликлар сотиладиган дўконга кириб, яна 100 грамм ароқ олади. Сўнг сотувчидан газзига "Кока-кола" қўйиб беришни сўрайди. Сотувчи унинг талабини қондиради. Бироқ Нодир мастлиги боис андишани унуттади. "Кока-кола"ни ичиб бўлган бу шахс ёнида тур-

ган фўқаро Улуғбек Ҳамидовнинг ичимлигини ҳам ичиб қўйди. У бу ҳолатдан асабийлашиб, Нодир билан гап талашиб қолади. Улар узаро жанжаллашиб, ташқарига чиқашди.

Маст ҳолатда бўлган Н.Қодиров ўзини идора қила олмай У.Ҳамидовнинг бошига тош билан уради. Натижада Улуғбек жиддий тан жароҳати олиб, воқеа жойида ҳушини йўқотади. Яхшиямки, ўз вақтида кўрсатилган тиббий ёрдам туфайли у омон қолди.

Мажкур иш жиноят ишлари бўйича Олмазор туман суди томонидан кўриб чиқилиб, ҳукм ўқилди. Унга кўра, Нодир Қодиров Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбдор деб топилди ва уч йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.



Ўтган йили декабрь ойида тумандаги қишлоқ врачлик пунктлари, мактаб ва боғчаларнинг иситиш мавсумига тайёргарлиги, етказиб берилган ёнилгининг сифати ўрганилди. ҚВПларда мониторингинг ўтказиш туман молия бўлими ходимлари У.Норматов ва Х.Аҳмедовга топширилди.

Юзи қора бўлди

Тальятбек ТУХТАСИНОВ,
СВОЖЖДЛҚ департаментининг
Ўзбекистон туман
бўлими бошлиғи

Улар дастлаб "Бўстон" қишлоқ врачлик пунктига ташриф буюришди. ҚВП врачлари Н.Отабеков туман тиббиёт бирлашмасига йиғилишга кетган эди. У.Норматов ва Х.Аҳмедов хоналар совуқлигини кайд этишди. ҚВПда ўт ёқувчи шпати кўзда тутилмагани туфайли ушбу вазифани адо этаётган қоровуллар кўмир брикетлари яхши ёнмаётгани, хоналарни исита олишмаётганидан шикоят қилишди. Хўжалик бекаси М.Мадаминаова ҳам қиш мавсуми учун келтирилган 12,1 тонна кўмир брикетни талабга жавоб бермаслиги, сифатсизлигини таъкидлади. У.Норматов ва Х.Аҳмедов улардан тушунтириш хати ва кўмир брикетидан намуна олиб, иссиқхонани фотосуратга тушириб, бошқа ҚВПларга йўл олишди.

Йиғилишдан қайтган бош шифокор Н.Отабековга ходимлар текширувчилар аниқлаган камчиликлар бўйича ёзилган тушунтириш хатларининг мазмунини ҳақида сўзлаб беришди. Н.Отабеков ушбу кунни кеңиш пайт молия бўлимида У.Норматов билан кўришди. Ижобий ҳулоса ёзиб топширишни илтимос қилди. Кўчага қонларларида У.Норматов 200 АҚШ долларини эвазига қайтадан ижобий далолатнома ёзиб бериши мумкинлигини айтди.

— Икки юз доллар қилиб беролмайман, — деди Н.Отабеков норози оҳангда.

— Майли, бир соат ичида юз доллар келтириб бering.

— Бугун иложи йўқ, эртага бераман.

Шифокор келаси кунни телефон қилиб, келишилган жойда У.Норматовга 300 минг сўм, орадан икки кун ўтиб яна 200 минг сўм берди. Текширишлар мактаб, боғча ва ҚВПларга тарқатилган кўмирнинг сифатини аниқлаш учунгина ўтказилганини билганидан кейин эса пулларни қайтариб олмақчи бўлди. У.Норматов билан кўришиб, пулларини қайтариб беришни талаб қилди.

— Хозир имкониятим йўқ, ўн кундан кейин қайтариб бераман, — деди У.Норматов. Пластик қарточкамда уч юз эллик минг сўм бор эди. Йўқотиб қўйдим, дея бахона қилди. Карта тиклангани билан юз минг сўмини бераман деб ишонтирди.

ҚВП бош шифокорининг мурожаати бўйича ўтказилган тадбирда туман молия бўлими ходими У.Норматов ҳақиқатдан мониторингдан аниқланган камчиликларни далолатномага киритмаслик учун Н.Отабековдан 500 минг сўм олганини тан олиб, пулларни ўз ихтиёри билан тақдим этди. Пуллар ҳолислар иштирокида ашвейи далил тарихисада расмийлаштириб олинди.

Хўжатларни сохталаштириш, пора талаб қилиб олиш жиноятини содир этган У.Норматовга суд қилмишига яраша жазо тайинлади. Нафс куйига кирган ўттиз ёшли мухассиснинг юзи қора бўлди.

Валютафуруш оғайниллар

Бахтиёр АБЕРКУЛОВ,
СВОЖЖДЛҚ департаментининг
Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси катта инспектори

Маълумки, Ўзбекистонда миллий пул бирлигининг қонуний тўлов воситаси сифатидаги аҳамиятини мустаҳкамлашга қаратилган ягона пул-кредит сиёсати амалга ошириб келинмоқда. Чет эл валютаси билан боғлиқ барча молиявий операциялар Марказий банк ҳамда Молия вазирлиги томонидан белгиланади. Хусусан, мамлакатимизда чет эл валюталарини миллий валютага ёки аксинча, миллий валютани чет эл валютасига алмаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилмоқда. Шундай бўлса-да, баъзи фуқаролар валютани ноқонуний равишда олиш ёки ўтказишга ҳаракат қилишмоқда.

Ана шундай шахслардан бири Нурибек Аъзамов фуқаро Тальятбек Улугбеков (исм-фамилиялар ўзгартирилган) билан ўзаро жиноий тил бириктириб, Беруний туманидаги деҳқон бозорларининг бирида 4000 АҚШ долларини қонунга хилоф равишда фуқаро М.Қодировга сотаётганида ушланди. Улардан яна қонунга хилоф равишда сақлаб қўйилган 1 995 АҚШ доллари, 21 750 Россия рубли ва 155 900 Қозоғистон тенгеси ашвейи далил тарихисада олинди.

Қонунбузарларнинг бу қилмишига суд ўзининг қонуний баҳосини берди.

Мамлакатимизда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Чунки, тадбиркорлик ривожланиб бораётган жойда рақобат бўлмаси, рақобат бор жойда эса янгиликлар, истеъмолчилар учун қўлайликлар яратилаверади.

Кенг имкониятлардан унумли фойдаланиб, ички бозорларимизни сифатли махсулотлар билан тўлдириш қаторида уни "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" белгиси остида дунё бозорига олиб чиқаётган тадбиркорларимизнинг сони кун сайин ортиб бораёпти.

Замонавий бозор иқтисодиётининг талаб ва тақлиф тамойилидан келиб чиққан ҳолда бугунги тадбиркор истеъмолчиларнинг талаб-эҳтиёжларига қараб иш юритадиган, рақобатчилик муҳитини шакллантирадиган соҳа вакиллари айлиниб улгурди. Чунки, яратилаётган шарт-шароитлар, имкониятлар бизнесни ривожлантиришга туртки бермоқда. Афсуски, фуқароларимиз орасида фақат шахсий манфаатини ўйлаб, қинғир йўллар билан мўъайя даромад орттириш йўлида ҳеч нарсадан тап тор-

Жасур Ҳуснов бир йилда икки бора суллани. У фирибгарлик ва ўғирликни ўзига касб қилгани учун шу кўйга тушди. Иккала ҳолатда ҳам суд унга нисбатан ахлоқ тўзатиш ишлари жазосини берган эди. Аммо ўрганган кўнгил ўртанса қўймас экан, у яна фирибгарликка қўл уради.

«Хожатбарор» фирибгар

Алишер СУЛТОНОВ,
СВОЖЖДЛҚ департаментининг
Жомбой туман бўлими бошлиғи

Ж.Ҳусновни бир кунни таниши Обиджон Муртазов учратиб қолади ва унга:

— Стадион қурмоқчи эдим, нима қилсам экан? — дейди.

Бунақа вазиятдан унумли фойдаланишга доим тайёр Жасур дарров "ёрдамга" шошилди:

— Хўжатларни тайёрлашга ўзим ёрдамлашаман, ҳамма жойда танишларим бор.

У эртасига Обиджондан стадион қуриладиган жойдаги дарахтларни йиқитишга "экологиядан рухсат оламан" деб, 360 минг сўм ва 100 АҚШ доллари олади. Бир неча кундан сўнг эса архитекторга деб 100 АҚШ доллари олади.

Кейин Тошкентдан тегишли хулоса олиш учун яна 100 АҚШ доллари, кредит олишга деб 500 АҚШ доллари, қурилиш лойиҳаси учун 150 АҚШ доллари, унга ёрдам бераётган ҳуқуқшуносга деб, 50 АҚШ доллари ва туман ҳокимига дея 500 АҚШ доллари, умумий ҳисобда 1500 АҚШ доллари ва 360 минг сўмини қўлга киритади.

Ваъдаларни қоп-қоп қилиб берган "хожатбарор" шу билан ғойиб бўлади. Уни излаб тополмагач, Обиджон алданганига ақли етди. Бу ҳақда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ариза билан мурожаат қилди. Ўзининг турли адовлари билан бировининг энгидан кириб ёқасидан чиққан фирибгар узоққа кетолмади. Учинчи марта суднинг қора курсисига ўтиришга мажбур бўлди.

Суд Ж.Ҳусновни 6 йилга озодликдан маҳрум қилиб ҳукм чиқарди.

Ҳуқуқий билимга эга одам ҳеч қачон О.Муртазов каби пешона тери билан топган пулни фирибгарга қўшқўллаб топширмайди. Тадбиркорлик қиламан деса, барча эшиклар очик. Фақатгина муродга етиш учун қонуний йўлдан борса бўлгани.

Бугунги кунда одам савдоси жинояти умумжаҳон муаммосига айланиб улгурди. Давлатимиз томонидан одам савдосига қарши курашиш юзасидан тадбирлар дастураари ишлаб чиқилиб, махсус комиссиялар иш олиб бормоқда.

Қабиҳ савдонинг олди олинди

Феруз ХАМРАЕВ,
СВОЖЖДЛҚ департаментининг
Сирдарё вилоят бошқармаси бўлим бошлиғи ўринбосари


Бош прокуратура ҳузуридagi СВОЖЖДЛҚ департаменти ва унинг ҳудудий органлари фаолиятида бу масала доимий эътиборда. Жумладан, департаментнинг Сирдарё вилоят бошқармаси томонидан олиб борилган тезкор тадбирда фуқаро Дилфуза Қамбарованинг (исм-фамилиялар ўзгартирилган) кирдикорлари фош этилди.

У туғилажак фарзандини сотиш ниятида фуқаро Мафтуна Тиллаева билан келишади. Мижоз бола учун 1 млн. 200 минг сўм тўлашга рози бўлади. Ниҳоят қутулган кун келиб, Гулистон шаҳар деҳқон бозори яқинида жойлашган чойхонада аёл фарзандини келишилган нарҳда сотаётган вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ушланди.

Халқимизда: "Бесабаб оёққа тикан кирмас", деган нақл бор. Осон бойлик топиш васвасасида юрган бу кимсанинг ўзи тиконли кўчани танлади.

Мазкур ҳолат юзасидан Д.Қамбаровга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, суд томонидан тегишли жазо тайинланди.

Уч «уддабурон»



Дилшодбек МИРЗАЕВ,
СВОЖЖДЛҚ департаментининг
Андижон вилоят бошқармаси
бўлим катта инспектори

тмайдиганлар ҳам учраб турибди. Бундайлар қонунларимизни қўпол равишда бузиб, жавоб беришларига тўғри келмоқда.

СВОЖЖДЛҚ департаментининг Андижон вилоят бошқармаси ходимлари томонидан қонунларимизни бузаётган сохта тадбиркорларни аниқлаш ҳамда уларнинг фаолиятига барҳам бериш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Марҳамат туманида яшовчи фуқаролар Фарход Ғоминов, Уктам Тоҳиров ва Отабек Зокировлар ол-

диндан жиноий тил бириктириб, Ўзбекистон Республикаси давлат chegarасини бузган ҳолда Қирғизистон Республикасига ўтиб, у ердан Хитойда ишлаб чиқарилган 34 турдаги умумий қиймати 22 млн. 300 минг сўмлик парфюмерия махсулотларини айланма йўллар орқали юртимизга олиб кираётганда қўлга тушилар.

Мазкур ҳолат бўйича уларга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, суд ҳукми билан жазо муҳарраллиги таъминланди.

Фуқароларимиз бу каби ноқонуний ишлари билан ўзларини ташвишга қўйишлари мумкинлигини унутмасликлари лозим. Зеро, "Кўза кунда эмас, кунда синади", деган нақл бежизга айтилмаган.

Нафсига эргашиб адашди

Шаҳзод ҲИҚМАТОВ,
СВОЖЖДЛҚ департаментининг Навоий вилоят
бошқармаси катта инспектори

Юртимизда аҳолига сифатли ва истеъмол стандартларига мос келадиган махсулотларни етказиб беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, соҳани тартибга солишга доир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам қабул қилинди. Шундай бўлса-да, қонун-қоидаларни четлаб, тегишли рухсатнома олмастан ноқонуний махсулотлар савдоси билан шуғулланаётганлар ҳам учраб турибди.

Хусусан, СВОЖЖДЛҚ департаментининг Учқудуқ туман бўлими томонидан ўтказилган тезкор тадбирда фуқаро Омон Нуруллоев (исм-фамилияси ўзгартирилган) "Учқудуқ — Барчиной" хусусий корхонаси раҳбари бўлгани ҳолда, қонун талабларини четлаб ўтиб, тегишли рухсатнома-сиз алкоголь махсулотлари савдоси билан шуғулланаётгани аниқланди.

Ҳуқуқбузардан 1 млн. 777 минг 500 сўм миқдордаги жами 225 дона алкоголь махсулотлари олиб қўйилди.

Тадбиркорликнинг ҳам ўз шартлари бор. Бу фаолият билан шуғулланмоқчи бўлганлар, аввало, тўғри ва ҳалол бўлиши, қонунларга риоя этиши лозим. Акс ҳолда ҳар қандай қинғир иш, албатта фош бўлади.

Ҳеч бир ҳужжатсиз фойда олишни қўзғалган ҳуқуқбузарнинг иши суд томонидан қўриб чиқилиб, унга нисбатан тегишли жазо тайинланди.

Асрларга татиган йиллар

Дўстбек СУЛАЙМОНОВ,
«Нуқид»

Самарқанд шаҳрида мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида тадбир бўлиб ўтди. Унда иштирок этганлар дастлаб Нуробод туманида жойлашган Ҳазрати Довуд зиёратгоҳига ташриф буюришди. Ярим йил ичида кўркам қиёфа касб этган ушбу маскан Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатда амалга оширилган кенг қўламадаги ислохотлар, бунёдкорлик ишлари энг чекка туман ва қишлоқларда ҳам давом этаётганининг бир кўринишидир.

шид Даврон. — Демак, биз бугун ажодлар қолдирган бой мерос — моддий-маънавий бойликлардан баҳраманд бўлаяпмиз ва ўз навбатида, ўз ниҳолларимизни қадаётганимиз ҳам рости. Эътибор қилайлик, йигирма беш йил ичида қанчалик ниҳоллар экилди?! Буни барча жабҳаларда амалга оширилган ислохотларда кўриб турибмиз. Жамият, мамлакат, одамлар қай даражада ўзгариб кетди? Буни ҳам сезиш қийинмас, онг ва маданий ўсиш етти яшар набирамизда ҳам сезилиб турибди. Табиийки, инсон руҳиятида келажакка, эртасига ишонч бўлса, у бунёдкорликка қўл уради, яратувчилик қилгиси келади. Аслида ҳам инсониятнинг мақсади шундай бўлиши керак.

Иштирокчилар Самарқанд шаҳридаги Кўксарой майдонида ташкил қилинган китоб ва газеталик курғазмасини томоша қилиб, рассом ва ҳунармандларнинг ижод маҳсулидан баҳраманд бўлдилар.

Яқинда ишга туширилиб, бугунги кунда минглаб китобсеварларнинг сеvimли масканига айланган "Самарқанд китоб олами" мажмуасида ўтказилган тадбирда сўзга чиққанлар томонидан Президентимиз раҳнамолигида юксак маънавиятли ва интеллектуал салоҳиятли авлодни камолга етказиш, ёшларда Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат туйғула-

рини янада кучайтиришга қаратилаётган доимий эътиборнинг юксак самаралари эътироф этилди.

Мажмуада Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари жамланган "Президент асарлари билимдони", "Сиёсий-хуқуқий китоблар" бўлимлари, кироатхона, виртуал китоблар маркази, "Хорижий нашрлар зали", "Болалар зали", асосий зал ҳамда замонавий услубда "Book safe" ташкил қилинган бўлиб, 2500 минг номдаги 50 мингдан ортиқ китоб жой олган. 30 та нашриёт билан ҳамкорлик ўрнатилган, 42 нафар муаллиф билан ҳамкорлик шартномаси тузилган.

— "Самарқанд китоб олами" мажмуаси шаҳарнинг энг марказий ҳудудда жойлашганига ғувоҳ бўлдик, — дейди "Хуррият" газетаси бош муҳаррири Ўктам Мирзаёров. — Ён-атрофда олий ўқув юртлири ва мактаб-коллеклери, кўплаб корхона-ташкилотлар ҳам жойлашган экан. Бу ҳар томонлама қулайликларга эга. Масалан, бирор талаба ёки ўқувчи кафе-ресторанга эмас, айнан шу манзилга қадам босганини кўрган бошқа бир тенгдоши, фарзандига бир қучоқ китоб харид қилиб чиқиб кетаётган ота-онани кўрган қайсидир ота-она беихтиёр шу масканга талпинса, ажабмас. Ёхуд ўз ташкилотиде алоҳида кутубхона бўлишини шарт, деб билган ташкилот та-

шаббусини кўрган яна бир муассаса раҳбарияти бу маърифатхонага ошиқиши табиий. Қисқа қилиб айтганда, мажмуанинг ички ва ташқи дизайни ҳеч бир кишини бефарқ қолдирмайди.

Ҳудудда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари билан тадбир иштирокчиларини таништириш мақсадида Самарқанд шаҳар ҳокимлиги томонидан пресс-тур ташкил этилди. Унда мустақиллик байрами арафасида шаҳардаги 25 та кўчада қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилаётгани, йил охиригача эса 33 та кўча таъмирланиши ва бошқа ободонлаштириш ишлари ҳақида батафсил ҳикоя қилиб берилди.

Жомбой туманида ташкил этилган якуний тадбирда вилоятда амалга оширилаётган қурилиш-бунёдкорлик ишлари, Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллигини муносиб қутиб олиш борасидаги бажарилаётган юмушлар, бунда ижодий жамоаларнинг ҳиссаси ҳақида сўз юритилди.

Тадбир сўнггида йиғилганларга санъаткорлар томонидан тайёрланган концерт дастури намойиш қилинди.

Таяқидлаш жоизки, 2015 йилнинг сентябрь ойидан бошлаб Ҳазрати Довуд зиёратгоҳида катта ҳажмдаги қурилиш-бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Самарқанд-Қарши магистрал йўлидан қадамга олиб борувчи 6 километр йўл текисланиб, асфальт қилиниб, ташриф буюрувчилар учун барча қулайликлар яратилди. Хусусан, бу ерда бир неча дўкон, 2 та маиший хизмат кўрсатиш нуқтаси ишга туширилиб, 50 ўринли меҳмонхона бунёд этилмоқда.

— Кимдир дарахт экади, эллик-юз йиллардан кейин унинг соясида кимлардир ором олади, мевасидан баҳраманд бўлади. Бу ўзгармас ҳақиқат, — дейди Ўзбекистон халқ шоири Хур-



«Эрл» бўрони талофати

Мексиканинг учта штатида "Эрл" тропик бўронидан ҳалок бўлганлар сони 41 нафарга етди, деб маълум қилди мамлакат ҳукумати.

Одамлар асосан ёмғирлар оқибатида содир бўлаётган кўчиқлар остида қолиб ҳалок бўлмоқдалар. Мамлакат муҳофаа вазирилик жабр кўрган ҳудудлар аҳолисига ёрдам кўрсатиш, ҳалок бўлганларнинг жасадларини қидириш бўйича махсус режани амалга оширмоқда.

Мексика президенти Энрике Пенья Ньето ҳалок бўлганлар оилаларига ҳамдардлик билдирди ва жабр кўрган аҳоли пунктлари ва одамларга федерал ҳукумат томонидан ёрдам кўрсатилиши давом эттирилишига ваъда берди.

Шунингдек, Мексика миллий метеорологик хизмати энди мамлакатга янги "Хавьер" бўронининг қийнлашаётганидан огоҳлантирди. Ушбу бўрон мамлакатнинг Халиско, Наярит, Синалоа ва Куйи Калифорния штатларидан ўтиб, бу ҳудудларга кучли ёмғирларни олиб келиши мумкин.



Тўтиқушлар нобуд бўлди

Тайваннинг Таюянь оролидаги халқаро аэропортда ҳодимларнинг бепарволиги тўтиқушлар минглаб тўтиқушлар жазиралада қолиб ҳалок бўлди. Маълум бўлишича, аэропорт ҳодимлари жониворларни ташвиш қоидаларини бузишган. Улар маҳкамлаб ёпилган ва ичида тўтиқушлар бўлган контейнерларни иссиқда қолдиришган. Бунинг оқибатида тўтиқушларнинг барчаси ҳалок бўлган.

Маълумотларга кўра, минглаб тўтиқушлар 10 та контейнерга тақсимланиб, "China Airlines" авиакомпанияси самолётига юкланиб, Куала-Лумпурга жўнатилиши керак эди.

Парвоз хизмати ва жониворларни юклаш билан шуғулланган компания воқеа юзасидан узр сўраган ва айбдорларни жазолашга ваъда берган.

Талаба отиб кетилди

АҚШнинг Сан-Франциско шаҳрида мобиль телефонда ўйин ўйнаётган талаба отиб кетилди, деб хабар бермоқда оммавий ахборот воситалари.

Маълум қилинишича, аквабоғда ўтирган йигитнинг орқасидан номаълум кимса ўқ узиб, воқеа жойидан яширинган. Талаба ўйинга берилиб кетгани боис, атрофидаги шубҳали шахсларга эътибор бермаган.

Полиция айбдорни қидирмоқда. Жиноятчи нима сабабдан бу ишга қўл ургани ҳозирча номаълум.



Автомобиль ўғрилари

Ноутбук ёрдамида "Jeep" автомобилларининг ҳимоя тизимини бузиш билан шуғулланиб келган икки нафар ҳакер АҚШнинг Ҳьюстон штатида қўлга олинган.

"Engadget.com" сайтининг хабарига кўра, бу ҳакерлар кейинги 2 йил ичида 30дан ортиқ автомобилни ўғирлашган экан.

Майкл Арси ва Жесси Зели исмли бу шахслар навбатдаги автомобилни ўғирлашга уринганида қўлга тушган. Ҳозирча улар қўлланган усул ҳақида аниқ маълумот йўқ.

Полиция гумондорлардан бирини ўтган йилнинг апрелида "Jeep Wrangler Unlimited" ўғирланиши вақтида камерага ёзиб олинган тасвирлар орқали топган.



Фестивал вақтидаги ёнғин


Халқаро ҳаёт



Португалиядаги "Андансаш" мусиқа фестивали вақтида унга ташриф буюрган фуқароларнинг 422 та автомобиллари автоузаргоҳда ёниб кетган. Дастлабки маълумотларга кўра, ҳаммаси бир машинанинг ёнишидан бошланган. Ундан чиққан олов қуруқ ҳаво сабабли қўшни машиналарга ўтган ва натижада 422 та машина аланга ичида қолган.

Кўп автомобиллар буткул ёниб тугаган. Воқеа оқибатида ҳеч ким жабрланмаган.

Ёнғинни ўчиришда 150 та ўт ўчирувчи, 42 та ўт ўчириш машинаси ва 4 та вертолёт иштирок этган. Уни ўчиришга эса бир неча соат вақт сарфланган.




Дунёдаги энг баланд минора

Англиянинг курорт шаҳри бўлган Брайтонда кузатиш майдончасига эга дунёдаги энг баланд минора "British Airways i360" иш бошлади. Кўриниши учар ликопчани эслатувчи, шишадан ишланган, ҳар томонлама қулай минорага дастлабки сайёҳлар ташриф буюришди.

Баландлиги 161 метр, эни эса 4 метр бўлган минора ҳажон рекордини ўрнатган.

Миноранинг энг юқори чўққисига кўтарилган одам 42 километрли радиусда жойлашган манзарани кузатиши мумкин.

"British Airways i360" чиптасининг нархи катталар учун 15 фунт стерлинг (20 доллар), кексалар ва талабалар учун 12,5 фунт (16 доллар) ва 4 ёшдан ошган болалар учун 7,5 фунт (10 доллар)ни ташкил этади.



«МЮ»: ўз уйингга хуш келибсан, Погба!

Ва ниҳоят анчадан буюн «чайналаётган» мавзуга нуқта қўйилган бўлди. Англиянинг «Манчестер Юнайтед» клуби «Ювентус» жамоаси ярим ҳимоячиси Поль Погбанинг жамоа сафига қўшиганини расман эълон қилди.

Франция терма жамоаси футболчиси манчестерликлар билан яна бир йилга узайтириш эҳтимоли билан 5 йиллик шартнома имзолади. Трансфер суммаси рекорд — 110 миллион евро ва қўшимча бонусларни ташкил қилди. Англия клуби 23 ёшли француз учун икки йил давомида 105 миллион евро тўлайди ва маълум шартларга кўра, трансфер суммасига 5 миллион евро қўшилиши мумкин.

Ушбу келишувда «Ювентус» клубининг соф фойдаси 72,6 миллион евро бўлганлиги айтилмоқда. Агар беш йил давомида Погба клуб билан шартномасини узайтирсан 5 йиллик шартнома 50 млн. евродан юқори нархда сотилса, «Манчестер Юнайтед» клуби яна 5 миллион евро бонусни тўлайди. Бундан ташқари, футболчининг агенти Мино Райола ушбу трансфердан 20 миллион евро ишлаб олади. Бу суммани ҳар икки клуб тенг улушда тўлайди.

Ўз навбатида «Манчестер Юнайтед» клуби устози Жозе Моуринью Поль Погбанинг трансфери ҳақида ўз фикрларини билдирди.

«Поль — дунёнинг энг кучли футболчиларидан бири ва у жамоамизнинг муҳим уйинчиларидан бўлади. У тезкор, кучли, ўйинни ўқий олади. Поль 23 ёшда ва у кучайишда давом этади. Погба камида 10 йил давомида МЮда ўйнаши мумкин», — дейди Моуринью.

Футболчининг ўзи ҳам собиқ клубига қайтганидан хурсанд эканини билдирди.

«Мен яна «Юнайтед» таркибида ўйнашдан бахтиёрман. Бу клуб ҳақида менинг юрагимда эди. Имкон қадар тезроқ бош мураббий Жозе Моуринью билан бирга ишга киришишни истаяман.

Менга «Олд Траффорд»да ўйнаш ҳақида ёққан. Жамоада ўзимни кўрсатиш фурсатини сабрсизлик билан кутаман», — дейди Погба.

Эслатиб ўтамиз, Франциялик футболчи айнан «Манчестер Юнайтед» клуби тарбияланувчиси ҳисобланади.



Тайсоннинг дисквалификацияси бекор қилинди

Британия антидопинг агентлиги супер оғир вазн тоифасининг IBO, WBA ва WBO камарлари соҳиби Тайсон Фьюридан вақтинчалик дисквалификацияни олиб ташлади, дея хабар беради Boxing Scene.

Олдинроқ бу боксчи тақиқланган модда — нандролон қабул қилганлигида айбонаётган эди.


Эслатиб ўтамиз, Фьюри мазкур дисквалификация сабабли 9 июль куни Владимир Кличко билан реванш жангини ўтказолмади. Жангнинг қолдирилганига асосий сабаб қилиб, спортчининг жароҳати кўрсатилган эди.

Коста қанча туради?

Лондоннинг «Челси» жамоаси ҳужумчиси Диего Коста бошқа клубга ўтиб кетиши мумкин. Бу ҳақда Daily Mail хабар бермоқда.

Маълумотларга кўра, Лондон клуби 27 ёшли футболчини 55 миллион евро эвазига сотиб юбормоқчи. Костага унинг собиқ клуби — Испаниянинг «Атлетико» жамоаси қизиқмоқда.

Аммо «матрасчилар» ҳужумчи учун 40-45 миллион евро сарфлашга тайёр.




Собиқ раҳбар қайтмоқчи

Германиянинг «Бавария» клубини бошқариб келиб, 2014 йилда ўз курсини бўшатиб беришга мажбур бўлган Ули Хенесс яна клуб президенти бўлиши мумкин, дея хабар бермоқда клуб матбуот хизмати.

Эслатиб ўтамиз, Хенесс икки йил муқаддам 27,2 млн. евро солиқ тўламанганлиги сабабли қамоққа олинган бўлиб, жорий йилнинг февраль ойида озодликка чиқди.

У шу йилнинг ноябрь ойида клуб президентилик учун бўлиб ўтадиган сайловларда ўз номзодини қўймоқчи. Бу хабарни эшитган жамоанинг ҳозирги раҳбари Карл Хопфнер навбатдаги сайловларда ўз номзодини илгари сурмасликка қарор қилди.



Хитой клублари Манчинининг хизматларига қизиқмоқда

Италиянинг «Интер» клубидан кетган бош мураббий Роберто Манчини фаолиятини Хитойда давом эттириши мумкин.

51 ёшли мутахассиснинг хизматларига баъзи клублар қизиқмоқда. Таъкидлаш жоиз, Хитойда италиялик икки мутахассис ишламоқда: Фабио Каннаваро («Тяньцзинь») ва Чиро Феррара («Ухань Чжоэр»).

Манчини ҳозир Франциянинг Ривьер шаҳрида дам олмақда ва таътилни шу ерда яқунлайди. Мутахассиснинг ўзи эса Европа клубларидан таклиф кутмоқда.

Бирданига иккиси

Лондоннинг «Арсенал» клуби Мадридининг «Реал» жамоаси аъзоларини нишонга олмақда. Гап «қирролик клуби»даги фаолияти сўроқ остида қолган икки ярим ҳимоячи — Хамес Родригес ва Иско ҳақида бормоқда.

«Тупчилар» «Лестер» клуби футболчиси Рияд Марезни харид қиломасликларини тушунганларидан сўнг эътиборни «Реал» клуби футболчиларига қаратишди.

Иско ва Хамеснинг «Реал»даги келажаги аниқ эмас, шу сабабли уларнинг бири жамоани тарк этиши мумкин. Ҳозирча Искога асосий таркибдан ўрин қафолатланмаган бўлса-да, у клубда қолиш ниятида. Ўз навбатида Хамес ҳам жамоани тарк этмоқчи эмас. Воқеалар ривожини кузатиб қоламиз.



Оскарга «Интер» харидор

Англиянинг «Челси» клуби ярим ҳимоячиси Оскар Италиянинг «Интер» жамоаси қизиқишлари доирасига тушиб қолди.

Маълумотларга кўра, лондонликлар 24 ёшли футболчини бошқа клубга сотиб юбориши мумкин. Сабаби бразилиялик футболчи рақобатда жамоадошлари Виллиан ва Азарга имкониятни бой бермоқда.

«Челси» клуби бразилияликни 30 млн. фунтга баҳоламақда.

Интернет хабарлари асосида Мақсудали ҚАМБАРОВ тайёрлади

Ўтганларнинг охираати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Навоий вилоят прокуратураси жамоалари ҳамда Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази прокуратура фахрийси

Ибодулла ҚОРАБЕКОВнинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Андижон вилоят прокуратураси жамоалари ҳамда Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази прокуратура фахрийси

Джумазие ДУНАКАЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Huquq
yuridik gazeta

Muassis:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Hakimboy HALIMOV
Gulnoza RAHIMOVA
Baxtiyor NAZAROV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Kamoliddin ASQAROV
(mas'ul ko'nb)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,
Faks: 233-10-53,
233-64-85

E-mail:
huquq@huquq-gazeta.uz

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda.

Tahririyatga kelgan qo'yimlar taqdir qilinmaydi va egalariга qaytarilmaydi.
Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
□ — tijorat materiali.
Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi
231

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxonaning manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Buyurtma s-8710. 38 453 nusxada bosildi.
Oq'oz bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: F.YODGOROVA
Sahifalovchi: S.BABAJANOV
Navbatchi: O.'DEHONOV

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617

9 772010 761004